Ишончим комил, халқимиз яқин истиқболда жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Чунки жаҳон цивилизациясида бизнинг қадимий ва мустаҳкам илдизларимиз бор.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
16-oktyabr
chorshanba
№ 41 (1416)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

“ИСЛОМ – ЭЗГУЛИК ВА ТИНЧЛИК ДИНИ” ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Қадрли дўстлар!

Аввало, сизларни азим Тошкент ва қадимий Хива шаҳарларида ўтказилаётган “Ислом – эзгулик ва тинчлик дини” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиши билан самимий табриклайман.

Биз дунёнинг узоқ ва яқин давлатларидан ташриф буюрган сиз, азиз меҳмонларни — нуфузли халқаро ислом ташкилотлари раҳбарлари, таниқли олим ва уламолар, жамоат арбоблари ва тадқиқотчиларни тинчлик ва тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик элчилари, деб биламиз.

Сизларнинг муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида олиб бораётган ибратли фаолиятингизни барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Ана шундай эзгу ишларингиз учун сизларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Бағрикенг ва меҳмондўст Ўзбекистон диёрига хуш келибсиз!

Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, бугунги анжуманимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2023 йил 19 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган 78-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббус асосида ўтказилмоқда.

Ушбу эзгу ташаббус халқаро ҳамжамият ва сизлар каби маърифатпарвар ва оқил инсонлар тарафидан қўллаб-қувватлангани бизга мамнуният бағишлайди.

Конференциямизнинг “Ислом – эзгулик ва тинчлик дини” деб номланиши ҳам албатта бежиз эмас. Ҳаммамиз яхши биламизки, ислом дини одамзод учун тинчлик ва омонлик дини сифатида юборилган буюк таълимотдир. Муқаддас Қуръони каримнинг “Бақара” сураси, 208-оятида: **“Эй, иймон келтирганлар, ёппасига тинчлик ишига киришингиз!”** — дея даъват қилингани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Улуғ ватандошимиз Имом Термизий ҳазратлари ривоят қилган: **“Аллоҳдан афв ва тинчлик-омонликни сўранглар. Чунки бирор кишига иймондан кейин тинчлик-омонликдан афзалроқ неъмат берилгани йўқ”,** деган ҳадиси шарифда ҳам тинчлик ва барқарорликнинг инсоният ҳаётида қандай беқиёс аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланган.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда ислом динининг эзгу қадриятлари, номлари дунёга машҳур мутафаккир олиму уламоларимиз меросини асраб-авайлаш, уларни илмий ўрганиб, халқимиз ва жаҳон аҳлига етказишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги етти йилда мамлакатимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилгани, илмий-маърифий жиҳатдан ғоят ноёб бўлган Ислом цивилизацияси маркази фаолияти йўлга қўйилгани бунинг ёрқин далилидир.

Айни вақтда, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий”, “Тарих”, “Халқу афъол ал-ибод”, Имом Термизийнинг “Сунани Термизий”, Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон”, “Тавҳид”, Абу Муин Насафийнинг “Табсиратул адилла”, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” каби ислом дунёсида нодир саналган асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, замонавий шарҳлари тайёрлангани ва бу каби хайрли ишлар изчил давом этаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Сўнгги йилларда жаҳонда кузатилаётган глобаллашув жараёнларининг ижобий жиҳатлари билан бирга, айрим нохуш ҳолатлар, жумладан, исломофобия кўринишлари мусулмон жамиятларининг тафаккур ва турмуш тарзи, маданияти, урф-одат ва қадриятларига ҳам таъсир кўрсатаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Шу маънода, мазкур конференцияда ер юзида тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, мўмин-мусулмонлар учун манфаатли бўлган азалий қадриятларни асраб-авайлаш, глобаллашув шароитида ислом динини замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда ривожлантириш, маънавий поклик ва одоб-ахлоққа қарши ғоявий таҳдидларнинг олдини олиш, исломда ижтимоий ҳимоя масалалари каби муҳим мавзуларнинг муҳокама этилиши катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ишонаманки, анжуман жараёнида бўлиб ўтадиган қизғин муҳокамалар, билдириладиган ғоя ва ташаббуслар муқаддас ислом динимизнинг асл маъно-мазмунини, эзгулик ва тинчликка хизмат қиладиган олижаноб ғояларини очиб бериш ва оммалаштиришда муҳим қадам бўлади.

Халқаро конференция доирасида мамлакатимизда мўмин-мусулмонлар учун яратилган шароитлар, виждон эркинлигини таъминлаш, улуғ аждодларимизнинг табаррук хотираларини эъзозлаш, уларнинг илмий-маърифий мероси ва нодир қўлёзмаларни тадқиқ ва тарғиб этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, бу борадаги ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш бўйича янги таклиф ва тавсияларни баён этасизлар, деган умиддаман.

Сизларни бугунги нуфузли анжуманнинг очилиши билан яна бир бор қутлар эканман, Яратган Роббимиздан барчангизга сиҳат-саломатлик, илмий ва ижодий фаолиятингизга барака тилаб қоламан.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТААССУРОТ

МЕН НИМА УЧУН “HURRIYAT”ни ЎҚИЙМАН?

Биз ёшлик пайтимизда, шаклланаётган пайтларимизда журналистикага, адабиётга яқинлашиб кириб келаётган чоғларимизда ҳамма йўл-йўриқлар, муаллим-устозликни газеталардан олар эдик. Ўша пайтларда, айниқса, адабиёт газетаси, яъни “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси муаллимларимиз, ўқитувчиларимиз ҳеч қаерда айтмаган мавзуларни, муаммоларни кўтариб чиқар эди. Бошқа газеталарда ҳам замонга мос қизиқарли нарсалар чиқар эди. Шу нарса бизга сингиб қолган.



Абдусаид КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Йиллар ўтиб, мана энди ёзма матбуотнинг ўрнини бугунги замонавий “матбуот” аста-секин эгаллай бошлади. Яъни бу интернет, ижтимоий тармоқлар кўп одамларни ёзма матбуотдан узоқлаштириб, ўзига тортиб кетди. Бунинг сабаби, у ердаги тезкорлик, у ердаги ёлғон-яшиқдир, ростдир, аралаш-қуралаш материаллар ва бошқа илгари ўзбек матбуотида кузатилмаган ҳодисалар, қарашлар, эркинликлар кўпчиликни ҳам ҳайрон қолдирди, ҳам йўлдан оздирди, ҳам ўзига кўпроқ жалб қилди. Ҳатто матбуотимизга масъул бўлган айрим кишилар ҳам ёзма матбуотдан кўра интернетга кўпроқ эътибор қаратишга ҳаракат қилишди. Бу ҳаракат ҳозир ҳам тўхтаган эмас. Ана шундай бир пайтда ўзининг йўлини сақлаб қолган “Hurriyat” – мустақилликнинг илк йилларида пайдо бўлган севимли нашрларимиздан бўлди. Бу нашрнинг ўзига хос тарихи бор, албатта. Лекин бу бошқа масала. Муҳими, “Hurriyat” мамлакатимиз босма нашрлари ичида ўзининг қиёфасини, яъни биз кутган, биз орзу қилиб юрган қиёфасини асраб қолди ва шу қиёфада бугун ҳам мавжуд. Мана шу биринчи ҳолат, яъни газетанинг чин маънодаги газеталигини биз айнан “Hurriyat” орқали кўриб турибмиз. Масалан, мен шундай кўраман.

4-б.

УЙҒОҚ СЎЗ

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор:

БИЗ АСЛИДА НИМАДАН ҒУРУРЛАНИШИМИЗ КЕРАК?

Ўзбек журналистларида бир одат бор: хорижий меҳмонларга, одатда, бир турдаги саволларни берадилар: Ўзбекистон сизга ёқдими? Нима ёқди? Ўзбекистоннинг қайси жиҳатларини кашф қилдингиз? Булар одатий саволларга айланган.

Ўзбеклар хорижликлардан жавоб олганда бизнинг паловимизни, бошқа овқатларимизни мақташини, меваларимиз, умуман, меҳмондўстлигимизни мақташини кутамиз. Ҳаммаси ўз йўлига: дастурхон ҳам, қўй сўйиб меҳмонни кутишимиз ҳам. Бу билан XXI асрда дунёни ўзгартириб бўлмайди. АҚШ ё Италияга бориб келгач, уларнинг пиццасини эсламаймиз-ку. У ердаги жамият ривожи, қонунларнинг устуворлигини эътироф қиламиз. Ўзлари ҳам шу билан мақтанадилар. Кореяда бўлганимда, кичик бир шаҳарчадан 8 нафар Нобель совриндори чиққанидан хабар топдим. Бу эса мақтанишга арзигулик. Ёшлар қадриятларимиз, тарихимиз билан ғурурланишсин ва дунёга илм-фанда янги марраларни тақдим этишсинки, биз бундан ғурурланиб юрайлик.

* * *

Жадидлар бугунги жамиятимизни кўрганда, улар ҳайратланишарди. Улар бизнинг тўйларимизни кўриб, бизнинг қилаётган харажатларимизни кўриб, биз улар юз йил аввал айтиб кетган хатоларни такрорлаётганимизни кўриб, улар айтарди: “Бизнинг ўзбек миллати шаклланиш жараёнида давом этяпти, ҳали якунлангани йўқ. Улар айтарди: тезроқ биз миллат бўлайлик, тезроқ биз ўзлигимизни англайлик!..”



* * *

Ўзбекларнинг денгизи йўқ. Туркияни қучоқлаб турувчи тўртта денгиз бор. Босфор ва Дарданелл бўғозининг бўлиши ёки Ламанш борлиги, ёки Мисрдаги энг муҳим Сувайш канали ушбу мамлакатлар халқини боқиб туради ўша ердан ўтадиган трафик. Афсуски, Ўзбекистонда бу йўқ. Бизнинг ақлимиз — бизнинг денгизимиз бўлиши керак!

Муаллифнинг телеграм каналидан олинди.

ЮЗМА-ЮЗ

ИНСОН РУҲИНИНГ ДЎСТЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Абдулла АЪЗАМ билан суҳбат

Абдулла АЪЗАМ — ўзбек илм-фани ва адабиётининг турли йўналишларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келаётган олимлардан бири, физика-математика фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби. Таниқли олимнинг аруз соҳасидаги кўплаб рисолалари, мутафаккир Алишер Навоий асарлари тўғрисидаги китоблари жуда қимматлидир. Хусусан, “Муножотнома”, “Аброрлар ҳайрати”, “Алишер Навоий асарларида ҳазил-мутойиба”, “Мирзо Бобур девонида аруз маҳорати” каби китоблари мумтоз адабиётимизни ўрганувчилар учун муҳим манба бўлиб қолмоқда.

Таниқли олим билан илм-фан, ижод, мутолаа маданияти, бугунги кун адабиёти ва бошқа мавзуларда суҳбатлашдик.

— Ҳурматли устоз, ўзингизга маълум, илм аҳлида, одатда, битта йўналиш устунлик қилади. Ёки иккинчиси биринчисига яқинроқ бўлади. Сизни эса ҳам математик-физик олим сифатида, ҳам адабиётшунос, навоийшунос, арузшунос сифатида яхши биламиз. Қайси соҳада ўзингизни эркинроқ ҳис этасиз: адабиётдами ёки математикада?

— Аввалambор, илм ва фан ўртасидаги фарқни белгилаб олайлик. Бу икки тушунча ўзаро боғлиқ, аммо алоҳида мазмунга эга. Илм (ўзбек тилига билим деб таржима қилинади) — йиғилиб борадиган маълумот (бу сўзнинг ўзи кўпликда). Илми кўп одам олим (кўплиги уламо), бир неча соҳанинг олими аллома дейилади. Фан тушунчаси эса илмий тадқиқотга, янги билим излашга нисбатан қўлланади. Камина фаннинг математика соҳаси бўйича мутахассис. Адабиёт, тарих, фалсафа — кўнгил иши. Тарихда бир неча соҳага қизиқувчилар жуда кўп, ҳозир ҳам оз бўлмаса керак. Киши бирор фаннинг бирор соҳаси бўйича мутахассисликка даъво қилса, у шу фаннинг илмий методологиясини ўзлаштирган бўлиши ва унга амал қилиши лозим (хусусан, математикада тушунчаларнинг қатъийлиги, теоремалар исботланиши, исботланганда ҳам, то қиёматгача ўз кучини сақлайдиган тарзда). Ҳозир тарихчилар жуда кўпайиб кетди. Тарих китобларини ўқиш осон-да. Тарихга оид кўп китоб ўқиган билан одам тарихчи бўлиб қолавермайди. Илмий методологияси бўйича тарих — фанларнинг энг мураккаби. Ахир бирор тарихий воқелик ҳақида мақола ёзган одам баён қилганларига шунчаки ишонадими ё бошқача ўйлайдиганларни ҳам ишонтира оладиган далиллар келтирадими — бу ўта мураккаб иш.

8-б.

МУЛОҲАЗА

ТУРКИЙ ИСМ — ЎЗЛИГИМ МЕНИНГ

ёхуд асл миллий исмларга қачон қайтамиз?

Жияним қўнғироқ қилиб қолди:

— Аммажон, суюнчи беринг, ўғилли бўлдим.

— Қутлуғ бўлсин, муборак бўлсин! — хурсанд бўлиб кетдим хушхабардан. — Истиқболи нурли бўлсин, илоҳим...

— Раҳмат, аммажон, айтганингиз келсин. Исмини Умар қўймоқчиман, нима дейсиз?

— Умар яхши исм. Улуғ исм. Умаржон деса ҳам бўлади (ҳар қалай, қулоғимга шундай эшитилди).

— Йўқ, Умар эмас, “О” билан бошланади, Омар, яъни арабча ҳақиқий айтилишини қўймоқчиман. Ҳеч қандай “бек”, “жон” қўшимчалари керак эмас...

Ўйлаб қарасам, миллатимизга қўйилган исмларнинг тўқсон фоизини арабий ва форсий исмлар ташкил этар экан. Ҳар қалай, “жон”, “хон”, “бек” қўшимчалари билан уларни “ўзимизники” қилиб оламиз. Жиянимнинг фикридан кейин... Аслида, миллатга хос исм ҳам миллий қадрият саналади. Ўзлигини англаган миллат эгалари буни унутмаслиги керак.

6-б.

ЎЗЛИК



УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ЖАДИДЛАР ҒОЯЛАРИ БИЛАН

Миллий мафкурамизнинг шаклланиши ва камол топишида тарихимиздаги жадидчилик ҳаракати муҳим аҳамиятга эга. Жадидчилик халқимиз ижтимоий-маънавий ҳаётидаги муҳим сиёсий ҳаракат ҳисобланади. Ушбу ҳаракат мустамлака Туркистон ўлкасининг озодлиги ва янги тараққиётига бўлган эҳтиёжи асосида XIX аср охири ва XX аср бошларида юзага келган эди. Жадидчилик ҳаракатининг асосини юрт мустақиллиги, халқ озодлиги, таълим-тарбия ва маданиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқиш ташкил этар эди. Жадид сўзи арабча сўз бўлиб, "янги, янгилик тарафдори" маъноларини англатади. Қрим-татар зиёлиси Исмоил Гаспиралибей асос солган бу ҳаракат даставвал маорифда, сўнгра матбуот ва театр, адабиёт ва санъатда кенг фаолият кўрсатди.

Бу ҳаракат фаолиятини ўрганган мутахассислар уни ҳақли равишда Миллий уйғониш даври деб атайдилар.

Туркистон жадидчилари — Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдуқодир Шакурий, Ҳожи Муин каби фидойилар саъй-ҳаракати билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон шаҳарларида "усули жадид" мактаблари очилди ва улар томонидан бу мактаблар учун дарсликлар яратилди. Шу билан бирга жадид зиёлилари томонидан адабиёт орқали халқни маърифатли қилиш йўлида бадиий асарлар ёзилди. Улар ўз асарларида миллат тақдири, юрт мустақиллиги ва озодлиги ҳақида қайғурдилар. Бадиий адабиётнинг ана шундай қудратли кучи туфайли жадидлар ўз асарларида мустамлакачиликнинг сиёсий моҳиятини очиб бердилар, ватанпарварлик ва эркпарварлик ғояларини олға сурдилар. Ана шу мақсад ва ғоялари, миллат келажаги йўлида ўлимга тик боришди. Айтиш мумкинки, жадидлар яратган бадиий асарларда олға сурилган ва улуғланган ғоялар миллий истиқлол ғоясининг сарчашмалари ҳисобланади. Чунки улар ўз асарларида куйлаган ва олға сурган ғоялар мамлакатимизнинг бугунги маънавий-иқтисодий тараққиёт тамойилларига мос бўлиб, ҳозирги авлод орзу-интилишларига ҳамоҳангдир.

Маълумки, бадиий адабиётнинг тараққиёт хусусиятлари ўз даври тамойиллари билан боғлиқ. Бунда адабиёт даврни ҳаракатлантириб турувчи ғояларга хизмат қилиши талаб этилади. Жадид ёзувчиларининг асарларида айнан ана шундай ғоялар тарғиб қилинганини айтишимиз мумкин. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш", Фитратнинг "Мунозара", "Ҳинд сайёҳи қиссаси", Абдулла Қодирийнинг "Бахтсиз куёв", "Миллатимга", "Аҳволимиз", Ҳамзанинг "Янги саодат" каби асарларида маърифатпарварлик, маданий-маънавий, иқтисодий, ахлоқий-маиший масалалар талқини орқали тарғиб қилингани фикримиз далилидир.

Миллий романчилигимизга, лирик ва насрий жанрлар янгиланишига айнан жадидчилик даврида асос солингани ҳам бежиз эмас. Жадид боболаримиз ҳар жабҳада фаоллик кўрсатиб, бор эътиборни халқни маърифатли қилишга қаратганлар. Ана шундай асарлар орасида Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романлари ўзбек миллати маънавий камолотида катта ўрин тутиши фикримиз тасдиғидир. Шунинг учун ҳам ёш авлод тарбиясида жадид адабиёти намояндалари асарларидан унумли фойдаланиш давр талабидир.

Хўш, бугунги жамиятимиз ҳаётида жадидчиликнинг ўрни қандай? Бугунги ёшларимиз жадидчиликнинг миллатимиз ҳаёти ва жамият тарихидаги хизматларини англашадими? Нега энди жадидчилик ҳаракатидан бугунгача бир асрлик вақт ўтган бўлса-да, унинг олға сурган ғояларини ҳаётга татбиқ этишга эътибор берилмоқда? Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 11-12 декабрь кунлари пойтахтимизда ўтказилган "Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригининг ниҳоятда дастурламал аҳамиятга эга эканлиги кўринади.

Ушбу табрикда Юртбошимизнинг "Буюк маърифатпарвар боболаримиз томонидан олға сурилган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар, турли миллат ва элатлар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш билан бирга, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган интилишлар ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат намунасидир", деган фикрлари барча зиёлиларни таҳликали замонда жадид боболаримизга хос фаоллик ва ташаббускорликка ундовчи, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга чорловчи хусусиятлари билан муҳим аҳамият касб этади. Бугун биз Учинчи Ренессансга интилаётган даврда Президентимиз ўз қарашлари билан жадидчилик ғояларининг умрбоқийлиги ҳақида улар кўзлаган эзгу ниятлар билан бугунги Янги Ўзбекистон келажаги учун интилишларимиз, орзу-истакларимиз ўртасида узвийлик мавжудлигига эътиборини қаратмоқда. Бугунги маърифий-маънавий ҳаётимизда фаолият юритаётган миллатимиз зиёлилари, адабиёт ва санъатнинг етук вакиллари Президентимизнинг фикрларидан руҳ ва рағбат олиб, жадидчиликнинг мазмун ва моҳиятини, хусусан, улар олға сурган ғояларнинг Янги Ўзбекистонни бунёд этиш стратегияси билан боғлиқлигини юртдошларимизнинг онгу шуурига сингдиришга астойдил киришганлиги ҳам қувонарли ҳолдир.

Хуллас, жадидлар олға сурган миллатни маърифатли қилиш орқали обод Ватан қуриш ғояси бугунги авлод зиммасидаги муҳим масалалардан ҳисобланади. Қачонки жадид боболаримиз қалбида ёнган юрт ишқи юракларимизга кўчиб ўтса, биз бу оловни алангалатиб, келгуси насллар кўнглини ёрита олсак, шундагина ўтмиш аждодларимизга муносиб авлод саналамиз.

Нодира ҚОРАБОЕВА,
Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилоят Ахборот-кутубхона маркази мутахассиси.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

САЙЛОВНИ ЁРИТИШ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Уюшманинг Сурхондарё вилояти бўлими ҳамкорлигида Термиз давлат университетида "Сайлов-2024: Оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ижтимоий тармоқ фаолларининг сайлов жараёнларини ёритиш масъулияти" мавзусида минтақавий семинар ташкил этилди.



Семинарда Сурхондарёдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари, бир гуруҳ қашқадарёлик журналистлар, ҳудудий сайлов комиссияси аъзолари, вилоят Адлия бошқармаси масъуллари, ижтимоий тармоқ фаоллари-блогерлар ҳамда талабалар иштирок этди.

Уюшманинг Сурхондарё вилояти бўлими раиси Муҳиддин Абдураҳмонов олиб борган семинарда сўз олган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов жорий йилги сайловлар янги сайлов қонунчилиги асосида ўтказилаётгани, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида бўлиб ўтадиган айни сайлов — сиёсий тадбирларни холис, ҳаққоний, адолатли ёритиш ОАВ вакиллари ҳамда ижтимоий тармоқ фаолларига катта масъулият юклашини алоҳида таъкидлади.

Семинарда Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари, Сурхондарё вилоят ҳудудий сайлов комиссияси раиси Зебунисо Алимардонова, Адлия бошқармаси бош мутахассиси Воҳид Назаров сайлов жараёнлари тўғрисида аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан хабардор қилиб бориш, янги сайлов қонунчилиги, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайловларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш масъулияти хусусида сўз юритди.

Тадбирда Уюшманинг Қашқадарё вилояти бўлими раиси Галавиддин Юлдашов, Сурхондарёдаги "Халқ йўли" газетаси бош муҳаррири Чори Жумақулов, қашқадарёлик фахрий журналист Карим Тошқулов сўзга чиқиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Якунда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

ЖУРНАЛИСТЛАР "ТЕРМИЗ ХАЛҚАРО САВДО МАРКАЗИ"ДА

Минтақавий семинардан сўнг Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси марказий аппарати масъуллари, қашқадарёлик бир гуруҳ журналистлар ҳамда маҳаллий — сурхондарёлик ОАВ вакиллари учун "Термиз халқаро савдо маркази"га пресс-тур ташкил этилди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг тегишли қарори ижроси доирасида ташкил этилган мазкур эркин савдо зонаси Сурхондарё вилояти Термиз туманида, Ўзбекистон ва Афғонистон чегарасида жойлашган. Ҳудудда "Hilton Garden Inn" меҳмонхонаси, "Akfa Medline" замонавий тиббиёт клиникаси, "Central Asia University" бизнес мактаби, йирик савдо ва хизмат кўрсатиш маркази, ресторанлар, хостел, йилига 900 минг тонна юк айланмаси қувватига эга логистика маркази ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд.

Пресс-тур иштирокчилари "Akfa Medline" замонавий тиббиёт клиникасида яратилган қулай шарт-шароитлар билан ҳам танишдилар.

— Ҳар куни клиникамизда 200-250 нафар бемор тиббий кўрикдан ўтади. Уларнинг 95 фоизи афғонистонлик ва чет эллик фуқаролардир. Бу ерда энг замонавий лаборатория асбоб-ускуналари ўрнатилган, юқори малакали шифокорлар ва ҳамшираллар мижозларга сидқидилдан хизмат кўрсатиб келмоқда. Клиникада беморлар даволаниши учун барча шароитлар яратилган, – дейди "Akfa Medline" клиникаси директори ўринбосари Ёдгора Суннатуллаева.

Пресс-тур давомида журналистларга Марказда юртдошларимиз, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга савдо-сотиқ, таълим, тиббиёт ҳамда бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишлари учун яратилган шарт-шароитлар, шунингдек, солиқ, банк, транспорт логистикаси ва чегара соҳасида тақдим этилаётган қулайлик ва имтиёзлар хусусида ҳам атрофлича маълумот бериб ўтилди.

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВЛАРИ — ЮРТ КЎРКИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 19 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий дизайн ва қулайликларга эга "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилмоқда.



Минтақавий семинар доирасида ташкил этилган пресс-тур иштирокчилари Термиз тумани "Янгиобод" маҳалласида қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массивининг қурилиш жараёнлари билан ҳам танишдилар.

Туман масъулларининг маълум қилишича, "Янгиобод" маҳалласида қад ростлаётган мазкур массивда янги иншоотлар учун ажратилган 55,5 гектар ер майдонига 6 280 та хонадонли 74 та кўп қаватли турар-жойлар, шунингдек, 2 640 ўринли 2 та мактаб, 420 ўринли 2 та боғча, 200 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника ҳамда маҳалла маркази қурилиши белгиланган.

Шу билан бирга массив ҳудудида 27,0 гектарлик "Янги Ўзбекистон" боғини ўз ичига олган замонавий лойиҳалар асосида қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Журналистлар бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, асосий эътибор аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларини қуришда ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга эътибор қаратилганини алоҳида эътироф этдилар.

— Мен бундан ўн йилча олдин Сурхондарёда бўлгандим. Ҳозирги кунда бу ерда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб ҳайратга тушдим, – деди Қашқадарё вилояти "Садоқат" газетаси бош муҳаррири Зиёдулла Халилов. — Ҳақиқатан ҳам, илгари Сурхондарёдек олис вилоятда бундай улкан иморатлар қурилиши ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган бўлса керак. Куни кеча Ўзбекистон ва Афғонистон чегарасида жойлашган "Термиз халқаро савдо маркази"да бўлдик. У ерда савдо-сотиқ, таълим, тиббиёт ҳамда бошқа ижтимоий хизматлар бўйича яратилган шарт-шароитлар эътиборга молик. Бугун Термиз туманидаги "Янги Ўзбекистон" массиви қурилиш жараёнларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Барпо этилаётган 16 қаватли уйларда яшайдиган аҳоли учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаётгани одамни қувонтиради.


ЭКСПОРТ

Ўзбекистон узумига Нью-Йоркда талаб ортмоқда

Ўзбекистонда етиштирилган узумнинг биринчи партияси АҚШга экспорт қилинди.

Нью-Йоркдаги "Uzbek-American Trade House" ва Тошкент шаҳридаги "GardenCells" масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган янги экспорт шартномасига асосан 1,7 минг тонна янги узум маҳсулоти ҳаво транспорти орқали Нью-Йорк шаҳрига етказилди.





АҚШнинг Озиқ-овқат маҳсулотлари санитар назорати бошқармаси (FDA) талабларига мувофиқ қадоқланган узум Американанинг "NetCost" озиқ-овқат савдо марказлари тармоғининг Нью-Йорк штатидаги савдо нуқталарига тарқатилди.

Ўзбекистон узумига маҳаллий аҳоли томонидан юқори қизиқиш билдирилмоқда. Шу боис янги партияга буюртма берилди ва ҳар ҳафта 3-4 тонна миқдорида узум экспорт қилишга келишиб олинди.

"Дунё" АА,
Вашингтон шаҳри.

УСТОЗЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ, ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси масъуллари турли тадбирлар сабабли ҳудудларда бўлганда, жойларда кексалик гаштини сураётган устоз журналистлар ҳолидан хабар олиш, улар билан дилдан суҳбатлашиш, совғалар улашишга доимо вақт, имконият топишади.

Бу гал ҳам анъана бузилмади. Сурхондарёга хизмат сафари доирасида Уюшма раиси в.б. Холмурод Салимов ҳамда уюшма вилоят бўлими раиси Муҳиддин Абдураҳмонов узоқ йиллар матбуот соҳасида ишлаган, Сурхондарё телевидениеси ривожига катта ҳисса қўшган ижодкор Абдулла Холмирзаев хонадонида бўлди.

Бир пиёла чой устида кечган суҳбатда вилоятдаги айни ижодий муҳит ва ривожланиб бораётган воҳа журналистикаси ҳақида сўз борди. Устоз журналист Абдулла Холмирзаевнинг фаолияти давомида "Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари", "Зараутсой тилсимлари", "Ҳаёт манзаралари", "Термиздан нур..." каби бир қатор китоблари нашр этилган. Устознинг уйида ташкил этилган кутубхонада журналистикага оид, шунингдек, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари бўлган юзлаб нодир китоблар билан танишишингиз мумкин.

Кейинги манзил Термиз шаҳрида яшовчи фахрий журналист Назип Сулаймонов хонадони бўлди.

Татаристонда туғилиб, умрини Сурхондарёда ўтказаётган устоз 30 йил "Заря Сурхана" газетасида, узоқ йиллар "Правда востока" газетасининг вилоятдаги мухбири вазифасида ишлаган. Ҳудуддаги рус тилида чоп қилиб келинаётган "Заря Сурхана" газетасида ҳозирги кунга қадар Н.Сулаймоновнинг таҳлилий ва долзарб мақолалари чоп этилмоқда. Журналистика соҳасида 56 йиллик тажрибага эга устознинг шогирдлари бугун ўз қалами, овозига эга, улар марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситаларида турли лавозимларда меҳнат қилмоқда.

Самимий суҳбат чоғида Назип Сулаймонов Уюшманинг ҳудудий бўлими томонидан фахрий журналистлар билан доимий алоқалар ўрнатилгани, устоз-шогирд анъанаси йўлга қўйилгани ва бунинг аҳамияти тўғрисида мулоҳазаларини билдирди.

Фахрий журналистларга Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

ТИЛ — ТИРИК ОРГАНИЗМ

у ҳам худди инсон вужудидек парваришга, диққат-эътиборга муҳтож



Ёқимли ва мукаммал нутқ инсоннинг ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган маънавий бойлиги, жавоҳирлар тўла сандиғи ҳисобланади. Яхши сўз, яхши хабардан кўнглимиз қувонади, хурсанд бўламиз, дилимиз яйрайди. Шу боисдан ҳам халқимизда тил, талаффуз маданиятига эътибор бериш, ҳар сўз, ҳар жумлани ўйлаб гапириш, фикрни қисқа сўзлаб ифодалаш, муомала одобига ҳамиша риоя қилиш хусусида кўплаб ҳикматлар мавжуд. Инсоннинг нутқи шундай сирли хилқатки, унда сўзловчининг қалби, ички дунёси, таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи ўз аксини топади.

“Эй ўғил-қизларим, тилга эҳтиёт бўлинглар! Киши дилини оғритадиган, кўнглини қолдирадиган, иззат-нафсига тегадиган, ор-номуси, шаънини оёқ ости қиладиган сўзлардан нари бўлинглар. Тилдан етган озор найза озоридан ёмон”, деб уқтиришади улуғ устозлар.

Кайковуснинг машҳур “Қобуснома” асарида нутқ ва муомала одобига алоҳида эътибор берилган. Асарнинг еттинчи бобида қуйидагиларни ўқиймиз: “Эй фарзанд, токи қила олсанг (яъни, қўлингдан келса), сўз эшитмакдин қочмағилким, киши сўз эшитмак била сухангўйлик ҳосил қилур... Ёлғон ва беҳуда сўз айтмак девоналикнинг бир қисмидур. Ҳар кишига сўз айтар бўлсанг, қарағил, у сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса, ул сўзни қўйиб, шундоқ сўз дегилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин”.

Кайковус одамларни тўрт тоифага бўлади: “Бири улким, билур ва билғонини ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонини билур, ул қобилдур, унга ўргатмоқ керак. Бири улдурким, билур, аммо билғонин билмас, ул уйқудадур, уни бедор қилмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас, бу қусуридан бехабар, у жоҳилдур, ундан қочмоқ керак”.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асарида тил одоби, яъни ўқиш ва билим олишда тилнинг аҳамияти, қисқа ва мазмунли сўзлаш, тилга ортиқча эрк бермаслик хусусида қуйидагилар баён қилинади: “Тил ақл ва билимнинг таржимонидир. Билки, кишини нуроний қилувчи восита очиқ ва мазмундор тилидир.... Тил кишини иззатли қилади, киши тили билан бахтли бўлади. Тил мисоли арслондир, қара, у сени доим эшик олдида пойлаб ётади. Эй, мағрур уй хўжаси, ҳушёр бўлки, агар тилингга ортиқча эрк берсанг — ўйламасдан сўзласанг, бу арслон бир кун эмас, бир кун бошингни ейди...”

Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, тил — сўзловчи истагини эшитгувчига етказувчи таржимондир. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий тилни инсонни ҳайвондан ажратувчи “гавҳари шариф”га ўхшатади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг ушбу сўзлари ҳам айни ҳақиқат: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

Она тилимиз, ундаги ноёб сўз ва иборалар, ҳикматлар, мақол ва маталлар асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба асосида шаклланган, тўпланган ва сайқал топган бўлиб, бу ноёб хазина, биз, биздан кейинги авлодлар учун ноёб мерос ҳисобланади. Бу хазинадан баҳраманд бўлган буюк аждодларимиз ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари мутафаккирлар дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшдилар, айни чоғда, ўзларининг буюк асарлари, илм-маърифатлари билан бу хазинани кенг кўламда бойитиб, мақомини баланд кўтардилар.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзи, орзу-умидлари, зулм ва истибдодга қарши курашлари, шу билан бирга, эзгу инсоний фазилатлари, бағрикенглиги, мард ва тантилиги, ҳақсўз ва меҳнатсеварлиги сон-саноқсиз мақол ва маталларда, ҳикматли ривоятларда ўз ифодасини топган. Шу боисдан ҳам, тилга эътибор, уни миллий бойлик сифатида севиб-ардоқлаш, бойитиш, келажак наслларга шарафли таровати, завқ-шавқи, хазина янглиғ маъно салмоғи билан етказиш бизнинг аждодлар руҳи олдидаги маънавий бурчимиз ҳисобланади. Бу бурчни тушунмай ёки бепарволигимиз оқибатида тил хазинамизга етказилаётган озорларни англамасак, оғзаки ва ёзма нутқнинг ўзига хос талабларини бир-бирига қориштириб ташласак, тузатиш қийин бўлган жиддий хатога йўл қўямиз. Фақат боланинг эмас, катталарнинг ҳам “қотиб” қолган тилини ўнглашнинг иложи йўқ.

Тил шундай бир боғки, ундаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир ғунчанинг ўз ўрни бор, борди-ю, улардан бири эътиборсиз қолса, боғнинг кўркига путур етади, таровати сусаяди. Ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар, ривоят ва ҳикоятлар орқали биз узоқ ўтмишга хаёлан назар ташлаймиз, халқимиз босиб ўтган машаққатли йўлдан хабардор бўламиз. Шу маънода, тилни бугунги кунни олис ўтмиш билан боғловчи маънавий кўприкка қиёслаш мумкин. Бу кўприк бизни янги эзгу амалларга даъват этади. “Тилини асраган эл бой бўлади, уни йўқотган эл эса йўлидан, ўзлигидан адашади”, деганларидек, тил бойлигимизни ўзлигимизни йўқотмаслик учун ҳам асрашимиз лозим.

Собиқ тузум шароитида тилимиз кўп жиҳатдан таназзулга юз тутди. Она тилига эътибор сусайди, неча асрлар давомида халқимизга маънавий ҳамроҳ, нажот воситаси бўлиб келган ўзбек тили асоссиз камситилди. 1989 йилнинг 19 октябрь куни бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг навбатдаги сессиясида мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб расман эълон қилинди. Конституциямизда давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилди, яъни ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси каби муқаддас тимсоллардан бирига айланди.

Бу, шубҳасиз, катта ғалаба эди. Аммо узоқ йиллар давомида тилимизга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш осон бўлгани йўқ. Бу борада ўтган йиллар ичида эътиборга молик ишлар қилинди, она тилимизнинг қаддибасти, нуфузи тикланди, илмий-тадқиқот ишлари, ёзишмалар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлди. Бироқ, бу жараён гоҳ изчил, гоҳ суст давом этаётгани, хусусан, янги алифбони мукаммаллаштириш ва амалиётга жорий этиш якунига етмаётганини ҳам қайд этиш зарур. Бугун Олий ўқув юртлари талабалари, ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ёзган баён ва иншоларда ҳар икки алифбо қоидаларига амал қилмаслик кўзга ташланади. Бу ҳолатни расмий идоралар, корхона ва ташкилотлардан келаётган хатларда ҳам кўриш мумкин. Бундан кўринадики, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган тил бойлигимизнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия, соғлиқни сақлаш тизимлари каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиши доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этишни давом эттириш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш зарур.

Дунёвий тараққиётнинг бугунги илмий-техник даражаси ҳар қандай мукаммал тилни ҳам янги сўз, ибора ва тушунчалар билан муттасил бойитиб боришни тақозо этади. Тилшунос олимлар тилни фақат ўтмишга қараб эмас, шу билан бирга (!) бугунга ва келажакка ҳам қараб бойитиш зарурлигини уқтирадилар. Бу вазифани бажариш учун амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи муттасил ошиб бориши зарур. Негаки, тилимиз, тарихимиз, маданият ва санъатимиз, истиқлол йилларида эришаётган ютуқларимиз, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги бугунги ўрнига қизиқиш кун сайин кучайиб бормоқда, ўзбек кураши билан боғлиқ иборалар жаҳонда мағрур янграётгани, кўплаб хорижий олий ўқув юртлари, илмий-маданий муассасаларда ўзбек тили, адабиёти ва санъатини ўрганувчи гуруҳлар пайдо бўлаётгани, биз билан ижодий, маданий ҳамкорлик қилишга истак билдираётганларнинг сафи ортаётгани фикримизга далил бўла олади. Атоқли адиб Чингиз Айтматов асарлари боис, дунё мамлакатларида қирғиз тилини, Ўлжас Сулаймонов ижоди боис қозоқ тили ва тарихини ўрганишга қизиқиш юзага келди. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари, Одил Ёқубов романлари, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон шеърияти ҳам шундай юксак мақомга эришди.

Бу — қувонарли ҳол, албатта. Аммо... узоқда туриб, тилимизни ўрганувчилар имло ва грамматика қоидаларига қатъий риоя қилаётган бир пайтда биз ўз еримизда бу қоидаларни бузиб, пайҳонлаётганимиз бағоят ачинарлидир.

Бунга асло бефарқ қараб бўлмайди. Буни телекўрсатувларда, радио эшиттиришларда, саёздан-саёз сериалларда, айниқса, қўшиқчиликда маълум ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева тобора кўпроқ учраётганида, адабий сўзлар, иборалар қолиб, шевада сўзлаш замонавийлик белгиси сифатида намоён бўлаётганида кўриш мумкин.

Яна бир қусур кўчаларимизда имло қоидаларига риоя қилинмай ёзилган эълон, савдотижорат рекламалари, телевидениеда “қўлбола” дори воситаларига доир тинимсиз берилаётган, бир кўрсатувда ўндан ортиқ марта такрорланаётган маза-матрасиз матнларда кўзга ташланади. “Отопительные системы” жумласини ўзбек тилига “Иссиқ қилиш” деб ўгирган нўноқ таржимон, тоғ ёнбағрида бошига қандай ёлғонлар тушишидан бехабар бир гиёҳ телереклама орқали хос йигирмадан ортиқ ўта оғир дардларга даво бўлишини оғиз тўлдириб айтаётган табиб, афтидан, Ғаззолийнинг “Тил офатлари” китобини ўқимаган ва бу алломанинг қуйидаги сўзларидан бехабар бўлса керак: “Инсонга энг итоатсиз аъзо тилдир. Чунки бу суяксиз аъзонинг осонгина ҳаракатга келиши, ҳеч бир машаққатсиз югуриклиги кутилмаган оқибатларга сабаб бўлади”.

Тил — тирик организм, у ҳам худди инсон вужудидек парваришга, диққат-эътиборга муҳтож. Тўғри парваришланган ниҳол эрта мевага киргани каби, тилга эътибор ҳам янги авлод тарбиясида, албатта, ўзининг сермаъно ва салмоқли самарасини беради.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
“Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ АСОСИ

Бугун мамлакатимизда халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим, тиббиёт, маданият каби кўплаб соҳаларда қарийб ўнг мингта нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Айни ташкилотларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашиш, эркин фаолият юритишига йўл очиб бериш мақсадида давлатимиз томонидан қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ этилган.

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган замонавий демократик талабларга, халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳуқуқий база яратилди. Айни йўналишда 20 дан зиёд қонун, Президент қарор-фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди.



Шу ўринда айтишни истардикки, айни пайтда мамлакатимизда ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 652 та нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда.



Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тармоқ фаолиятига янада кенг йўл очилаётганининг намунаси бўлди. Бу фикримизнинг ҳам сабаби бор, албатта. Чунки, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир бундай ҳужжат аввал қабул қилинмаган эди.

Асосий Қонунимизга мувофиқ, давлат зиммасига ННТларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор мажбуриятлар юкланган. Жумладан, “Ўзбекистон — 2030 стратегияси”да ҳам халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш ва жамоатчилик бошқарувини ривожлантириш бўйича ислоҳотлар алоҳида йўналиш сифатида белгиланган. Мазкур фармон эса янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон — 2030 стратегияси” ва 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг узвий ижросини таъминлашга бевосита хизмат қилади.

Ушбу фармон асосида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш белгиланди. Биласизки, мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамоатчилик билан бамаслаҳат қабул қилиниши тизими жорий қилинди. Шунинг замирида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар биринчи навбатда халқ манфаатларига асосланган ҳолда қабул қилинишига эришиш назарда тутилган. Маълумки, бу борадаги ишлар юртимизда анчайин илғорлаб кетди. Бош Қомусимиздан тортиб, Президент сайловларигача бўлган масалалар халқ муҳокамасидан ўтказилмоқда.

Давлат, фуқаролар ва ННТлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришда нималарга эътибор қаратиш керак, деган ҳақли савол туғилади. Аввало, шуни айтиш керакки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузурида жамоат фондлари тузилган. Шунингдек, 2008 йилда Олий Мажлис ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилган, бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар ҳузурида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари (ҳудудий фондлар) тузилган.

Мазкур фондларнинг алоҳида фаолият юритиши, фонднинг ҳудудларда вакилликлари мавжуд эмаслиги фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона сиёсатини амалга ошириш, лойиҳаларнинг мониторингини олиб бориш ва самарадорлигини таъминлашга тўсқинлик қилган. Бундан кўриниб турибдики, фуқаролик жамиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш эҳтиёжи бор эди. Фармон айни пайтда мана шу каби масалаларга ечим бўлди.

Унда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, эндиликда давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларига фуқаролик жамияти институти вакили раислик қилиши, фаол аъзолари моддий рағбатлантирилиши, “Юксалиш” ҳаракати уларнинг фаолиятини баҳолаб бориши киритилди.

Хўш, фармон асосида фуқаролик жамияти институтларига қандай имтиёзлар берилиши мумкин? Йўналишимиздан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, 2025 йилнинг 1 январидан бошлаб ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи икки бараварга камайтирилди. Ҳомийлик ташкилотларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларига хайрия пулининг солиқ солинмайдиган миқдори амалда 15 миллион сўмдан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача ошириладиган бўлди.

Хусусан, Карлар жамияти ҳам давлат ва парламент кўмаги доирасида фаолият юритиб, 2024 йилда эшитиш ва гапиришида нуқсони бўлган инсонларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар ва дастурларни амалга оширди. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди молиявий кўмагида ижтимоий интеграция, жамият аъзоларини қўллаб-қувватлаш ва имкониятларни ривожлантиришга қаратилган режалаштирилган вазифаларни бажариш янада осон бўлди.

Фармоннинг тегишли бандларига асосан, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларга ўз фаолиятини эркин амалга ошириши учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга эришилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида Ногиронлар жамияти, Карлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти, Ногиронлар ассоциацияси, уларнинг 500 га яқин тизим ташкилотлари тўлиқ давлат ҳомийлигига олинди. Бунинг замирида фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудда “Нодавлат нотижорат ташкилотлар уйлари” ташкил этилди.

Айтиш мумкинки, фармон асосида амалга оширилаётган ишлар фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга олиб чиқади. Эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатлардан бири, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги бевосита иштироки учун янги имкониятлар очилади.

Гўзал ШОДИЕВА,
Ўзбекистон карлар жамияти президенти.

ЗАРВАРАҚ

УЮШМАГА КИМЛАР РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН, ИЛК АЪЗОЛАРИ КИМЛАР БЎЛГАН?


Иброҳим Раҳим


Зиёд Есенбаев


Собир Қурбонов


Аҳмаджон Мухторов


Лутфулла Кабиров


Хуршид Дўстмуҳаммад


Шерзод Ғуломов


Иброҳим Ҳалимбеков


Ўктам Мирзаёров


Саъдулла Ҳакимов


Олимжон Ўсаров


Холмурод Салимов

Ҳар бир ташкилот, жумладан, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг ҳам ташкил этилиши тарихи бор. Мавжуд ҳужжатлар Уюшма 1957 йил август ойида иш бошлаганини кўрсатади.

Уюшмага дастлаб 1957-1962 йилларда таниқли адиб Иброҳим Раҳим, 1962-1987 йилларда Зиёд Есенбаев, 1987-1988 йилларда Собир Қурбонов, 1988-1991 йилларда Аҳмаджон Мухторов, 1991-1996 йилларда Лутфулла Кабиров раислик қилган.

1996 йил Уюшма негизида Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ташкил этилган. Унга 1997-2004 йиллари Хуршид Дўстмуҳаммад (Аҳмаджон Мелибоев ва Аҳмад Аъзам жамоатчилик асосида) ҳамраис сифатида фаолият юритганлар.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси 2004 йил 26 март куни Тошкентда ўтказилган таъсис конференциясида қайта тузилган. Уюшмага 2004-2014 йиллари таниқли журналистлар Шерзод Ғуломов, сўнгра Иброҳим Ҳалимбеков раҳбарлик қилишган. 2016 йилнинг март ойидан декабргача Ўктам Мирзаёров уюшма раиси вазифасини вақтинча бажариб келган бўлса, 2016 йилдан 2020 йилнинг октябрь ойигача Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Саъдулла Ҳакимов Уюшма раҳбари сифатида самарали меҳнат қилган.

2020 йилнинг октябрь ойидан 2021 йилнинг июнь ойигача Холмурод Салимов уюшмада раҳбар вазифасини бажарган. 2021 йилнинг 4 июнь куни бўлиб ўтган Уюшманинг навбатдан ташқари конференциясида Олимжон Ўсаров унга раис этиб сайланган.

2022 йилнинг декабрь ойида Олимжон Ўсаров бошқа ишга ўтиши муносабати билан Холмурод Салимов Уюшма раиси в.б. этиб сайланган.

Маълумот учун, ўтган 67 йил ичида (Уюшма номи бир неча марта ўзгарган) Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига 11 нафар соҳа фаоллари — устоз журналист ва ижодкорлар раҳбарлик қилишган. Улар орасида Зиёд Есенбаев энг кўп — 25 йил, Шерзод Ғуломов эса 10 йил раислик қилган.

Айни кунда Уюшманинг 2 минг 200 нафарга яқин аъзоси бор. 1957 йил август ойида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси тавсияси асосида етти нафар — “Ўзбекистон хотин-қизлари” журнали муҳаррири Зулфия Исроилова, “Қизил Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Иброҳим Раҳимов, УзТАГ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги) директори Рихси Сахибаев, “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетаси бош муҳаррир ўринбосари Қобилжон Узоқов, “Ўзбекистони сурх” газетаси муҳаррири Абдулла Ҳакимов, “Правда Востока” газетаси муҳаррири Степан Черник ҳамда “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”) газетаси муҳаррири Сотволди Юлдашев Ўзбекистондан биринчилардан бўлиб собиқ иттифоқ яъни СССР Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган.

Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б.

МЕН НИМА УЧУН “HURRIYAT”ни ЎҚИЙМАН?

1-б.

Шунинг учун биринчи навбатда “Hurriyat” газетасини яхши кўраман. Бу нашрни биз, одатда, “журналистлар органи” деб атаймиз. Лекин тепасида ундан каттароқ жойи бор: “Мустақил газета” деган. “Hurriyat” мустақил газета эканлигини исботлаб келмоқда. У ерда одамларни эркинликка ундайдиган, эркин фикрлашга чорлайдиган, масалаларга шаффоф назар ташлайдиган, яхши таҳлил қиладиган материаллар, шукурки, кўп. Бугун ижтимоий тармоқларни ёки ўз номи билан айтадиган бўлсак, интернет соҳасидаги ахборот тармоқлари билан қандай қилиб ижодий рақобат қилиш мумкин? Уларда узуқ-юлуқ, тезкор, рост-ёлғон гаплар кетяптими, энди ўқувчини олдинги пайтлардаги даражада чиқадиган газета билан овутиб бўлмайди. Бугунги ўқувчини таҳлил билан, йирик мавзуларни ичига кириб очиб беришлар билан ва айни пайтда, масалан, маънавият муаммоларини, бунга тўсқинлик қилаётган муаммоларни, урф-одатларимиз, ўзимизнинг менталитетимиздан узоқлашиб кетаётганликларимизнинг сабабларини очиб берадиган материаллар орқали ўқувчини ушлаб қолиш мумкин. Айтайлик, “Америкада сув тошди” ёки “қаердадир ёнғин бўлди” деганга ўхшаш хабарлар билан газеталар ўзини сақлаб қололмайди. Сабаби, газета буни олиб чиққунча, бу гапларни дунёнинг ярми эшитиб бўлади. Унинг қадри ҳам, қизиғи нариги томон, яъни ўзларини “тезкор матбуот вакиллари” деб биладиганлар газеталар қиладиган ишни уддалай олишмайди. Чунки у ердаги журналист, блогерларда бундай истеъдод, ҳатто бундай хоҳиш ҳам йўқ. Негаки, улардаги 60-70 фоизи журналистикага умуман алоқаси йўқ одамлар деб ҳисоблайман. Ўзига хос, ўзини ўқувчиларини йиққан, масалага чуқур, тирик кўз билан қарайдиганлар ҳам озчилик бўлса-да, бор у соҳада. Лекин чуқур таҳлил қиладиган журналистлар йўқ. Улар кўпроқ тезкорликка интиляпти. Бир гапни айтиш керак, айрим газеталарнинг мақолаларидаги сарлавҳасини ўқиган заҳоти нима демоқчилиги аён бўлади. Баъзи газеталарни икки дақиқага етмасдан "ўқиб" қўйиш мумкин. Сабаби битта: ўша газетани чиқараётган одамлар кўпроқ қуруқ сўзларни ишлатишади. Воқеаларни тасвирлашда бир хиллик, юзакичилик устунлик қилади. Одамнинг юрагига тегадиган, ҳеч бўлмаса, халқ мақолларидан фойдаланилган мақолаларни ҳам топиб бўлмайди. Хайриятки, бугунги кунда “Hurriyat”да “таҳлил қилиш мактаби” сақланиб турибди. Мен бу газетани фақат журналистларнинг, ёзувчи, шоирларнинг газетаси эмас, бутун халқимизнинг суюкли газетаси бўлишини истайман. Худо хоҳласа, шундай бўлади ҳам. Кейинги йилларда газета обуначиларини янада кўпайтириш учун тарғиботни ҳам кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Яна истардимки, “Hurriyat” газетасида яхши мақолалар, яхши фикрлар, ҳаётни узоқ ўйлашга мажбур қиладиган мақолалар кўпайиши керак. Шунингдек, воқеаларни шунчаки таъкидлаш, таҳлил қилиш эмас, муаммолардан чиқиш учун қандай хатоликларга, қандай сунъий тўсиқларга дуч келинаётганлиги ва уни қандай енгиш мумкинлиги бўйича ҳам газета муштарийлари, газетхонлар ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини айтадиган минбар бўлиши керак. Газетани ўқувчи билан яқинлаштирадиган рукнлар очиш зарур. Газетани ҳаётга янада яқинлаштириш, унинг ичида яшайдиган қилиш керак. Мана, одамлар нима учун интернетсиз яшай олмайди. Шуни газеталаримиз ҳам ўйлаши керак-да. “Нима қилсак, одамлар газетасиз яшай олмайдиган бўлади?” деган фикр устида кўпроқ бош қотирадиган давр келди. Чунки чиндан ҳам бугун интернетдан бошимизни кўтара олмаяпмиз. Бунга сабаб газеталарнинг савияси ана шунга қайсидир маънода йўл очиб бераяпти. Матбуот нашрлари замондан олдинроқ юрадиган, интернет қила олмайдиган ишларни топиши шарт. Жумладан, “Hurriyat” ҳам. Тўғри, талқин қилишга келганда баъзида нотўғри фикр билдирадиган одамларнинг этагини тутиб эргашиб кетиб қоламиз. Буларни журналистлар, айниқса, “Hurriyat” одамларни хато қилмасликка, тўғри фикрлашга ундайдиган рукнларни топиши керак.

Дарвоқе, мен келгуси йил учун “Hurriyat”га аллақачон обуна бўлганман. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси ҳам ушбу газетани ўқиб боришни истайди.

АҲВОЛ

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ

газета ва журналларнинг ўрнини ҳеч қачон боса олмайди!





Суҳбатдошларимиз — таниқли шоир, публицист, 23 йилдан буён “Янгиариқ овози” газетасига муҳаррирлик қилиб келаётган Жуманазар ЮСУПОВ ҳамда “Hayot ko‘zgusi” газетаси муҳаррири, иқтидорли ижодкор Меҳрибон ТИЛЛАЕВА.

“Бугунги кунга келиб баъзи туман ва шаҳар ҳокимликлари нашри бўлган газеталарнинг йил бошидан буён бор-йўғи бир ёки иккита сони чиққанлиги матбуот нашрларининг таназзулга учраётганлигидан дарак бермайдими?” деган савол билан устоз журналистларга юзландик.

— Ҳар бир туман, шаҳар, вилоятнинг ўзига хос янгилиги, ўзгаришлари, ривожланиш қирралари бўлади, – деди Жуманазар Юсупов. — Ана шу жараёнлар газетада босилиб, туман ҳаёти акс эттирилади. Бир туманда қанча тадбиркор, фермер, қўли гул усталар бор. Муаммолар ҳам талайгина. Туман газетаси ана шу мавзуларни қамраб олади. Менимча, одамларнинг газета-журнал мутолаа қилиши маънавиятли бўлишидан дарак беради. Одамзоднинг билимга ташналигини инкор қилмаслик керак. Китоб, газета, журнал инсоннинг руҳий, маънавий дунёсини ривожлантиради, маданиятини оширади. Ўқиш орқали фикрлаш қобилияти пайдо бўлади. Оғзаки нутқ ривожланади. Мутолаа туфайли руҳий юксалиш пайдо бўлади. Китоб, газета-журнал яхшиликка, эзгуликка ундайди. Китоб ўқиган авлод ёвузликдан, ёмонликдан ҳазар қилади. Мутолаанинг завқини сўз билан тушунтириб бериш қийин. Афсуски, “мажбурий обуна” деган баҳонада ўзимизни ҳам, фарзандларимизни ҳам телефонга боғлаб қўйиб, мутолаадан чалғидик. Ижтимоий тармоқ эса одамларни шундай ўраб ташладики, она фарзанди йиғласа, қўлига телефон бериб овутадиган бўлди. Мактаб ўқувчилари сал бўш қолса, телефон титкилашни одатга айлантиришди. Аммо бу телефон ёш авлод келажагига зарар эканлигини ҳеч ким ўйлаб кўрмаётир. Бугунги кун ўқувчиси дарслик ўқишдан кўра телефон титкилашни афзал билаётганлиги, саводсизлик урчиб бораётганлиги ачинарлидир!

Тўғри, 14-15 ёшдан сўнг телефондан фойдаланиш зарурати ҳам туғилади. Аммо унгача болани ўқиш санъатига ошно қилиш керак.

Афсуски, бугун газета-журналга обуна бўладиган аҳоли жуда камчиликни ташкил этади. Чунки нашрларнинг обуна нархи жуда қиммат. Туманимизда 300 дан зиёд фермер хўжаликлари бор. Аммо уларнинг ҳам аксарияти газета-журналларга обуна бўлишмайди.

Ҳар қандай тузумда, ҳар қандай жамиятда ҳам саводсизликнинг олдини олиш мақсадида газета-журнал-китоб мутолаасини биринчи ўринга қўйиш керак. Акс ҳолда, билимсизлик юқори поғонага чиқиб бораверади. Бугун ижтимоий тармоқларни кузатар экансиз, саводсизлик кўзгусига боққандек бўласиз.

— Жуда ўринли фикрларни айтдингиз. Мен болалигим ҳақида озгина айтиб ўтай, – дея суҳбатга қўшилди Меҳрибон Тиллаева. — Ақл-ҳушимни таниган пайтимда яхши эслайман, кекса почтальон отахон велосипединнинг ортига ўрнатилган катта сумкасини газета ва журналлар билан тўлдириб келиб, бир даста матбуот нашрларини ташлаб кетарди. Отам ишдан келганидан сўнг ҳар бир газетани эринмай ўқиб чиқарди. Журналларни эса қалин муқовали “сумкача”сига солганича олиб қўярдилар. Менимча, мактабга олиб бориб ўқирдилар. Чунки отам — она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси эди. У киши бир чеккага қўйган газеталарни эса бошланғич синф ўқитувчиси бўлган онам ўқишга тутинарди. Биз шундай жараёнларни, ота-онамиз газета ва журнал, китоб ўқиганлигини кўриб улғайган авлодмиз. Демак, бизнинг онгу шууримизда билим олиш, ҳатто ёшимиз 50-60 га бориб қолганида ҳам мутолаадан бўшамаслик туйғуси шаклланган.

Бугунги авлоднинг баъзи вакиллари ота-оналаридан телефонга термулиб ўтиришни “мерос” қилиб олишиб, интернетга кириб, ҳар хил бўлар-бўлмас кино ва бошқа олди-қочди лавҳаларни кўришни ўрганишмоқда. Шу таҳлит дангаса ва лоқайд ҳолда улғайишмоқда. Чунки бола оиладаги муҳит остида камолга етади.

Яна яхши эслайман, ўқувчилик пайтимизда соғинч билан кутадиган “Ғунча” ёки “Гулхан” журналлари ҳозирги вақтда мактабларга келмай қўйди ҳисоб. Келса ҳам битта мактабга битта-иккита келади. Хўш, бир синфдаги 30-35 ўқувчи журнални қачон ўқийди? Айрим мактаблар кутубхоналаридаги токчаларида ётадиган журналларни кўриб эса ачиниб кетаман. Вилоятдаги баъзи шаҳар ва туман газеталари йил бошидан буён аранг 4-5 сони чиққанлигини қандай изоҳлаш керак?

Одамлар мутолаа қилишни исташади, аммо юқорида айтилганидек, обунанинг қимматлиги халқнинг газета-журнал ўқишга бўлган иштиёқини сўндириб қўймоқда.

Анча йиллар олдин вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи ҳузурига кирганимизда, қўлидаги телефонни айлантириб: “Мен мана шундан оламан ҳамма маълумотни, менга газета-журнал керак эмас”, деган эди. Энди шу раҳбар масъул бўлган мактабларнинг аҳволини тасаввур қилаверинг.

Қизиқ, ўқитувчи газета ўқимаса, у таълим берадиган ўқувчиларнинг фикрлаши ва дунёқараши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

* * *

Газета-журнал мутолааси ҳақидаги сўровларимизга жавоблар муҳтасар бўлди:

— Газета-журналлар обунаси нархи арзон бўлса, бажонидил обуна бўлиб ўқир эдик...

— 6 ойда бир марта чиқадиган туман газеталарини кундалик матбуот нашри деб айтиб бўладими?

— Ҳақли ва ўринли эътирозлар. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, қишлоқларда газета-журнал деган нарсани одамлар мутлақо унутиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас!

— Шундай экан, матбуотни қандай жонлантириш мумкин? Аҳолининг кўпчилик вакиллари айтганидек, обуналар нархини қай тарзда арзонлатиш мумкин?

— Тожикистон давлатида газеталар учун бюджетдан “дотация” берилар экан, – деди Меҳрибон Тиллаева. — Бизда ҳам шундай қилинса, газеталарнинг нархи у қадар қиммат бўлмасди. Қолаверса, матбуот нашрларини давлат ҳисобидан қўллаб-қувватлаш керак. Ҳатто Франция давлатида ҳам газеталар қўллаб-қувватланар экан. Туркияга саёҳатга борганимда, “Янги кун” газетаси эрталаб тушликкача бир неча миллион нусхада, тушликдан кейин ҳам миллионлаб нусхада чоп этилишини кўрдик. Бир кунда икки марта босилиб чиқадиган газета қўлма-қўл бўларкан. Одамлар йўлакларда ўтиришиб, кўзойнаклар билан газеталарни варақлаганлигига гувоҳ бўлдик. Эрталабдан Истанбулдаги янгиликлар, ҳатто саёҳатчилар ҳақида, нарх-наволар ҳамда қайси дўкондан қайси маҳсулотларни харид қилиш мумкинлигигача аниқ маълумотлар бериб борилар экан. Туркия ҳақида, саёҳатбоп ҳудудлар ҳақида қизиқ-қизиқ мақолалар берилади. Энг қувончлиси, барча саёҳатчиларга газеталар бепул тарқатиб кетилади. Бундан мақсад — Туркиянинг ҳаёти, ўсиш-ўзгаришлар билан янада яқинроқ таништириш. Бу мамлакатда кўчаларда, автобусларда, ҳиёбонларда газета ўқиб кетаётган катта ва ўрта ёшдаги минглаб одамларни учратасиз. Албатта, шу тариқа ёшлар ҳам катталардан ўрганиб газета ўқишга меҳр қўйишади. Ҳатто Ҳиндистонда ҳам газеталар бепул тарқатилар экан. Саёҳатчиларга бир финжон қаҳва билан биргаликда битта газета берилаётганлигидан ҳайратга тушасиз. Ўзларининг давлатини, ишлаб чиқариш ва корхоналарини реклама қилишнинг гўзал намунасидир бу, аслида. Биласизми, Америкада атиги минг нафар аҳолиси яшайдиган маҳалласининг ҳам ўз газетаси борлиги биз учун, албатта, таажжубланарли ҳодисадир. Аммо билим сари йўл газета ўқишдан бошланишини унутмаслик лозим.

Ҳокимиятлар томонидан бюджетдан, яъни солиқ тушумларидан орттирилган маблағларнинг маълум бир қисми нашрларга йўналтирилса бўлмайдими? Бу маънавиятимиз учун катта эзгулик қилинган бўларди. Агар дотация бериладиган бўлса, яъни газеталар қўллаб-қувватланса, обуналар нархи бирмунча арзон бўлиши, юртдошларимиз ўзлари истаган газета-журналларга обуна бўлиб, мунтазам ўқиб боришлари учун имконият туғиларди. Бу эса маънавиятимизнинг, маданиятимизнинг янада юксалишига катта ҳисса бўлиб қўшилган бўларди.

Ҳозирда Хоразм вилоятида бир неча туман ва шаҳар ҳокимликларининг нашрлари ёпилиб қолиш арафасида.

Туман аҳолисига туман газетаси кераклигини унутмаслик зарур. Газеталар тарихимизни ёритиб берадиган ўчмас чироқлардир.

Газета-журнал, китоб ўқимаслик — маданиятсиз, ориятсиз авлодни шакллантириши кундек равшан.

Кейинги пайтларда вилоятдаги бир қатор газеталар таҳририятининг ўз биноси йўқлиги, кўпчилиги ижарада ўтирганлиги жуда аянчли. Туман газеталари таҳририяти ходимлари биргина ижара хонада тиқилишиб ўтирганлиги сир эмас. Бу ҳол журналистнинг ва газетанинг обрўсига салбий таъсир қилади, албатта.

Ўзбекистонда матбуот нашрларини ўз ҳолига ташлаб қўйиш — лоқайдлик ва бепарволикдан бошқа нарса эмас, дейди суҳбатдошларимиз.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА
суҳбатлашди.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР



“АЛЛА”СИНИ ЙЎҚОТАЁТГАН АВЛОД

Республика Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 25 декабрдаги “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича Ўзбекистон Маданият вазирининг жорий йил июнь ойидаги “Ноёб ва (ёки) йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган номоддий маданий мерос намуналарини сақлаш, асраб-авайлаш, оммалаштириш ва кейинги авлодга етказиш билан шуғулланадиган шахсларни аниқлаш ва рағбатлантириб бориш тўғрисида”ги буйруғига кўра, мамлакатимиздаги каштачилик, темир ва ёғочдан маиший буюмлар ясаш, қўғирчоқ ўйнатиш, халфачилик, қуроқчилик, ўтов тикиш, “Алла” айтиш, аскиячилик, пичоқчилик, дорбозлик каби йигирма турдаги номоддий маданий мерос намуналарини сақловчи 20 нафар шахс аниқланди; уларга ўз соҳасига оид номоддий маданий мерос намуналарини асраб-авайлаш, оммалаштириш, кейинги авлодга етказиш борасидаги фаолиятида кўмаклашиш чоралари белгиланди. Тошкент шаҳар Учтепа тумани маданият марказига қарашли “Дурдона” халқ фольклор жамоаси раҳбари Маҳфузахон Боймирзаева ҳам ана шу рўйхатга кирган маданий меросимизни сақлашда жонбозлик қилаётганлардан бири. Шу боис санъаткор билан асрлар оша она ва бола қалбининг бетимсол сеҳрли риштаси бўлиб келган “Алла” билан боғлиқ дил оғриқларини ўртоқлашдик.

— Маҳфузахон, кўпчилик “Болалигимда онам айтган аллалар ёдимда қолган”, дейди. Менинг хотирамга онамнинг синглимга, жиянларимга айтган аллалари ёзилиб қолган...

— Мен ҳам энг яхши аллаларни онамдан ўрганганман. Сўзга жуда тийран, бийрон бўлган онам иккита укамни, жиянларимни ухлатиш учун айтган аллалари ўзўзидан ёдимга муҳрланган, қулоғимдан сингиб, хотирамга ўрнашган аллалар... Алла — онанинг фарзанди дунёга келган кунлардан бошланган мулоқоти, дейиш мумкин. Гўдак қалбини илк бора уйғотган, ёруғ оламнинг иссиқ-совуғига кўникиш жараёнида нозик-ниҳол вужудга ором, тинчлик бағишлаган мўъжиза “Алла” қўшиғи бўлса, ажабмас. Онам айтган аллалар ҳамон қулоғимда, қалбимда.

Эй Худоё, қудратинг шеваси-ё,
болам, алла,
Фарзанд экан одамзоднинг
меваси-ё, алла.
Фарзанд бўлса одамзоднинг
меваси-ё, алла,
Савил қолсин молу дунё ҳаммаси-ё,
жоним болам, алла.
Уйларимнинг ўчмас чироғи, болам, алла,
Юрагимнинг мадори, болам, алла,
Орқамдан қалар изларим-о, болам, алла.

— Улғайиб борганингиз сайин эътибор берганмисиз, болалик, ўсмирлик даврларингизда сиз яшаган муҳитда боласини алла айтиб ухлатиш барча аёлларга одатмиди ёки кимлардир алла айтиб, кимлардир айтмасмиди?

— Андижон вилояти Избоскан туманининг Чувама қишлоғи “Тошкечик” маҳалласида туғилиб вояга етганман. Учта дугона кичкиналигимиздан бирга ўсдик, улғайдик. Бир-биримизнинг оиламиздагилар худди туғишгандек, учала хонадон ҳам ўз уйимиздек эди. Сўриларда, супачаларда эшитиб ўтирардик, момолар, оналар — ҳаммаси боласини алла айтиб ухлатишарди. Масалан, амакимнинг хотини — момом жуда маҳзун аллалар айтарди. Уларни эшитсак, йиғлагимиз келарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди:

Юрагим чойдишмиди, алла, болам, алла,
Сувлар солиб қайнатгани, алла.
Мен ўзим ғамсизмидим,
жоним болам, алла,
Ғамлар солиб уйғотгани, алла-ё, алла.

Ўша пайтда, ўтган асрнинг 70-йилларида момом раҳматли 50 ёшлардан ўтганди.

— Демак, момонгиз ўтган асрнинг кўп синовларини бошдан кечирганлардан бўлса керак-да... Айтганингиздек, ўша даврларда деярли ҳамма боласини алла айтиб ухлатган. Ҳатто далагаям ўзлари билан олиб чиққан ёш болаларини...

— Узр, гапингизни бўлганим учун. Хотирамдаги бетакрор саҳифаларни очиб юбординг. Ўсмир ёшда эдим, онам билан далага чиқардим. Ҳамма қатори ёш болали оналар ҳам пахтанинг барча меҳнатига жалб этиларди. У пайтларда енгил уловлар фақат туман марказидаги айрим раҳбар одамларда бўларди. Биз, асосан, юк ташийдиган машиналарни кўрардик, узоқроқ даладаги пахтазорларга ўша юк машиналарида ёки тракторнинг четанли прицепида олиб боришарди. Тонгда ёш аёллар, келинчаклар қўлида боласи, бошига беланчагини қўйиб далага йўл оларди. Дала шийпонларида ҳам темирдан ясалган беланчаклар бўларди. Боғча йўқ, шароит ҳақида ҳеч ким ўйламасдиям... Беланчакларга ётқизиб кетилган гўдакларга оналарнинг ўзлари навбат билан қарардилар. Улфатхон опа деган аёлнинг беланчакларни тебратиб юриб “Қўлларимда қўш бешик...” деб айтган алласини элас-элас эслайман.

Деярли барча аёллар учун (овози борми, йўқми) ўз боласига алла айтиб ухлатиш оддий ҳолат, мисоли эҳтиёждек



бўлган.

— Сиз халқ қўшиқларини куйлайсиз, уларнинг баъзиси шўхчан, баъзиси ғамгин. “Ёр-ёр”, “Келин салом”лар айтасиз. Мана шу халқ қўшиқларини куйлаш билан “Алла” айтишнинг ўзига хослиги, фарқи борми? Сизнингча, алла фақат боланинг тинчланиб ухлаб қолиши, ором олишига восита бўладими ёки уни айтган онанинг ўзи учун ҳам руҳий, маънавий аҳамияти борми?

— Албатта, бор-да! “Алла” айтишнинг таъсири, роҳатини бошқа ҳеч бир қўшиқдан топиб бўлмайди. Тасаввур қилинг, баъзида болани бағримизга босиб, елкасига аста-аста уриб ёки эмизиб туриб алла айтганмиз. Каттами, кичкинами... она учун боласи билан ҳар қандай мулоқотнинг қадри, баҳоси жуда юксак; дилбандининг тарбияли, ақлли, бахтли, элсевар, юртсевар бўлиши билан боғлиқ тилаклари, насиҳатлари, маслаҳатлари, орзу-истакларини жигаргўшаси қалбига сингдиришни истайди. Бу орзуга етиш йўлининг муқаддимаси, балки, “Алла”дир...

Тол учидан танлаб олган
Тоза чавконим, болам, алла,
Гул ичидан ҳидлаб олган
Гули райҳоним, болам, алла.
Мен сени алла қилай, алла,
Кўтариб катта қилай, алла,
Худойим умрингни берса,
эрка қўзим, алла,
Ўқитиб мулло қилай, кўрар кўзим, алла.

Шундай аллалар борки, уларнинг мазмунига қараб оналар тилуқмас гўдаги билан ҳам сирлашганига, ҳеч кимга айтолмаган дардларини алласига тўкиб енгил тортганига ишонасан. Менинг онам Малихон ойимнинг аллалари ҳам хотирамга ўрнашиб қолган. Улар ичида:

Булбулим учди қўлимдан, алла,
Қайларда меҳмондир бугун,
жоним болам, алла.
Булбулимни йўқотиб, ўйнар кўзим, алла,
Кўнглим паришондир бугун,
меҳрибоним, алла, —

деган сатрларни бошқача майинлик, ғамгинлик билан айтардилар. Бунинг сабабини кўп ўйлардим, кейин тушундим: балки, ёшликларида вафот этиб кетган оналари соғинчи, балки, балоғат ёшида уйдан чиқиб кетганча қайтиб келмаган акаларини эслагандирлар... Ҳатто қизлар камолга етгач, узатганингдан кейин ҳам айни шу сатрларга сингиган фикрлар она қалбидан ўтавераркан.

Ҳа, бекорга “Яхши-ёмон кунимда Менга жуда кераклигим, алла”, — деб айтишмаган. “Рустаму достоним, болам”, “Алпомишим, паҳлавоним, алла” — буларнинг ҳаммаси қуруқ сўзлар эмас, уларни айтаётган онанинг меҳр-муҳаббати, туйғулари шабнамдек шаффоф, самимий бўлади. Ҳар бир она битта болани катта қилгунича катта достон ёзаётгандек ҳолатга тушиб қолади, назаримда. Бу ҳолатни умрининг охиригача қўмсаб ўтса керак. Бир воқеани айтмасам бўлмайди: онам 98 ёшда олам-дан ўтди. Ҳаётининг охирги кунлари эди. Ота ҳовлимизда опам, жиянларим ҳам бор эди. Мен онамнинг қўлларини силаб ўтирган-дим. “Болам, бир алла айтиб бергин”, — деди-да онам. Ғалати ҳолатга тушдим, “болам” деб айтаманми, “онам” деб айта-манми... Назаримда, агар ўшанда онамга алла айтсам, кейин ҳеч қачон айтолмай-дигандай эдим. “Айт”, — деди онам яна қў-лимни ушлаб. Ўша лаҳзада шоира Саида Зуннунова ёзган “Алла” шеъри лоп этиб ёдимга тушди. Айтдим:

Кундузим десам-да, оз,
Юлдузим десам-да, оз.
Дунёда нима ғўзал —
Бўлса ундан ўзинг соз,
Ором ол, онам, алла...

Онам юзларимни силаб, тинмай дуо қилди... Энди ҳар сафар “Алла” бошла-сам, ўша бетакрор ғанимат онлар хаёлим-дан ўтади.

— Сиз “Алла” бўйича ўтказилган жуда кўп танловларда иштирокчи сифатида ҳам, ҳакамлар ҳайъати аъзоси бўлиб ҳам қатнашгансиз...

— Ҳа, 1997, 2009, 2011, 2013 йилларда “Алла” бўйича республика танловларида қатнашдим, фахрли ўринлар олганман.

— Ўша танловларда вилоятлардан келганларни ҳам эшитгансиз. Улар орасида ёдингизда қолган аллалар борми?

— Муқимий театрида бўлиб ўтган танловда Жиззахдан келган қатнашчи ёш аёлнинг “алла, алла, лу-лу-лув” дегани қу-лоғимга сингиб қолган.

Жоними зиндалаги, лу-лу-лув,
Меҳримнинг бир бўлаги, лу-лу-лув...

Бундай халқона аллалардан маҳаллий аҳолининг нафаси келади. Ёки:


Олло, Олло, ойланди, олло,
Сувда балиқ лойланди, олло.
Балиқми деб ўйласам, олло,
Илонлар бўлиб айланди, олло...

Хоразмлик онадан эшитганим бу тўрт қатор аллага чуқур ҳаёт фалсафаси синг-дирилгандай.

— Энди... бугунги кунларга келсак. Ён-атрофингиздаги ёш оналарни, ҳали эллик ёшга етмай буви бўлган аёлларни кузатасизми, улар алла айтишадими?

— Йўқ-да! Камдан-кам, бармоқ билан саноқлидан ҳам кам. Сабаби, уларнинг ўзи, ука-синглиси ҳам алла эшитмаган ёки оиласидаги катта ёшли аёллар алладан узоқлашиб, узилиб кетишганга ўхшайди.

Алла — жоннинг роҳати, алла,
Уйқу — кўзнинг қуввати, алла...



Афсуски, бутун бир авлоднинг аксар оналари “алла жоннинг роҳати” эканини тамоман унутиб, гўдакларини ақлий ва жисмоний камолот остонаси бўлган алла-нинг роҳатидан бебаҳра қолдиряптилар, десам лоф эмас. Бир воқеа айтиб берай: телевидениеда “Алла”га бағишланган кўр-сатувда қатнашаётгандик. Педиатрия ин-ститутидан келган шифокор шундай ҳаё-тий воқеани сўзлаб берганди: “Бизга етим-хонадан тўрт ойлик оғир бетоб чақалоқни олиб келишди. Сунъий овқатлантиришга мажбур эдик. Тиббий муолажаларнинг ҳам натижалари сезилмас, бола тинмай йиғлар, безовта эди. Бир куни ҳамшира муолажа ўтказаётганда, гўдакнинг йиғиси янада авжига чиққан. Ўша пайтда хонани артиб, тозалаб юрган фаррош ходима алла айта бошлайди, шунда гўдакнинг йи-ғиси аста-аста пасайиб, у тинчланиб ух-лаб қолади. Шу гапни эшитганимиздан ке-йин фаррош Васила опадан етим бола-нинг ёнида кўпроқ бўлишни, уни аллалаб ухлатишни илтимос қилдик. Қарангки, но-расида алла эшитганда тинчланиб ухлаб қоладиган бўлди, дори-дармонларнинг ижобий таъсири ҳам тез сезила бошлади, аста-секин бутунлай соғайиб кетди, шу орада “Алла онаси”га жуда ўрганиб қолди. Кўп фарзандли Васила опа униям ўз тар-биясига олди”.

— Алла — дунёга янги келган мурғак инсон учун илк маънавий неъмат десак, арзирли. Мурғак ҳазрати инсон ҳали гапиришни, сўрашни, талаб қилишни билмагани учун уни бу неъматдан бебаҳра, бенасиб этиш лоқайдлик, меҳрсизлик десак, қаттиқ ботар. Аммо... гулдек нозик, майин, хушбўй, оромбахш, жонингнинг бир парчаси бўлган Аллоҳ неъматини бағрингга босиб, унинг қуёшчадек юзларидан кўзу қалбинг нурланиб алла айтишнинг бахту саодатини ҳис этмай ўтиб кетиш аёлнинг ўз-ўзига ҳам меҳрсизлиги, дегим келади... Бунақалар озми, кўпми, деган саволга “болажонмиз” деб ифтихор билан гапирадиган халқимиз орасида аллалар ҳам “Ноёб ва (ёки) йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган номоддий маданий мерос намунаси” сифатида расман қайд этилгани жавоб бўлади.

— Ҳа-а... давраларда юраман. Ёшла-римиз, айниқса, шаҳарлик қизлар кўпроқ миллий мумтоз мусиқаларга эмас, чет эл мусиқаларига қизиқишяпти. Фольклор қў-шиқларни унда-мунда телеэкранларда кўрсалар ҳам, эътибор бермайдилар. Ме-нинг келиним учинчи фарзандини алла билан катта қиляпти. Ўзим ўргатганман.

Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов “Дунёнинг исталган бурчагида таржима қилинмаса ҳам тушуниладиган қўшиқ бу — “Алла”, деган эди. Маматқул Жўраев-нинг “Оқ олма, қизил олма”, Гулжаҳон Мардонованинг “Онам айтган аллалар”, Мунаввар Ёқуббекованинг “Аллалар” ки-тоби” катта меҳнат, изланиш самараси. Аммо жуда оз ададда чиққан, шуларни қайта нашр эттириб, ёш оналарга етказиш керак, деган таклифни киритмоқчиман.

— Республика радиоси, телевидениесида бу мавзуда тайёрланган дастурларда ҳам, асосан, Ҳабиба Охунова ижро этган, мусиқали драмадан олинган “Алла” эсланади, холос. Юртимизнинг турли бурчакларида меҳри дарё, қалби дурдона аллаларга тўлиқ опа-сингилларимиз оз эмас. Уларнинг ҳар бири хазина, унутмайликки, ғаним-мат... Менимча, республика телерадиоканалларида махсус лойиҳа ташкил этилиб, унда “Алла” тўғрисида баландпарвозу сийқа гаплар такрорланмай, мутахассислар ва кўп фарзандли оналар далилли фикрларини билдирсалар; вилоятлардан таклиф этилган моҳир оналар, бувию момоларнинг кўнгил бисотидаги “Алла”-лар халққа етказилса, самарали иш бўларди. Шу билан бирга, қизларнинг, ёш оналарнинг онгига гўдакларнинг жисмоний, маънавий, ақлий ривожида меҳру сеҳр чашмаси бўлган она қалби навосининг беқиёс аҳамиятини ҳам сингдириб бориш керак. Бундай кўрсатувларни шаҳар, туман телевидениеларида ҳам тайёрлаш мумкин. Бу ҳам “Алла”ларни тиклаш, тўплаш, тарғиб этиш, қизлар ва ёш оналар қалбида унга қизиқиш ва муҳаббат уйғотиш, “Олтин фонд”га олиб қолишнинг бир усули.

— Ҳозир катта режалар асосида ўқув даргоҳларида, маҳаллаларда Юртбошимиз қарорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича ишларни бошлаб юборганмиз.

— Бу хайрли ишда яхши янгиликларни оммалаштиришга ҳамиша тайёрмиз.

Муҳтарама УЛУҒОВА суҳбатлашди.

ХОРИЖ

ЯДРОВИЙ ИНШООТЛАРГА ЗАРБА БЕРИЛМАЙДИ

Исроил Эронга жавоб зарбаси беришда ядровий ёки нефть объектларини эмас, балки ҳарбий объектларни нишонга олади. Бу ҳақда Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху АҚШ президенти Жо Байденга маълум қилган.



Таҳлилчилар ҳа-вотирига кўра, Эрон нефть объектларига ҳужум дунёда энергия нархларининг кўтари-лишига сабаб бўлиши, ядровий объектларга зарба эса вазиятни янада кескинлашти-риб, АҚШни можарога тортиши мумкин.

Жо Байден бир муддат илгари Исроилни “бошқа вариант-ларни ўйлаш”га чақирганди. Шунингдек, Исроил АҚШ билан маслаҳатлашувлари давомида Ливандаги ҳарбий операция-ларини “яқин ҳафталар ичида” тўхтатишини ҳам маълум қилган.

НАТОНИНГ ЯДРОВИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ...

Россия президенти матбуот котиби Дмитрий Песков НАТОнинг Европадаги кенг кўламли ядровий машғулотлари Украина инқирози шароитида фақат кескинликни янада кучайтиришини айтиб ўтган.



“Фаол уруш шароитида бундай машқлар фақат кескинликни оширишга хизмат қи-лади. Россия ўз хавфсизлиги учун жавоб-гардир ва бунинг учун барча зарур чораларни кўради”, дея таъкидлаган Песков. У шунинг-дек, Германия ташқи разведкаси бошлиғи Бруно Калнинг Россия қуролли кучлари ўн йиллик охирларига келиб НАТОга ҳужум қилиши мумкинлиги ҳақидаги баёнотини мантиққа зид деб атаган.

“Бизнинг ҳарбий инфратузилмамиз ҳеч қачон НАТО томон силжимаган; Биз НАТО қандай кенгайганини ва унинг ҳарбий инфратузилмаси Россия чегараларига қандай яқинлашганини яхши биламиз. Бу ерда ким хавф туғдириши аниқ”, дея қў-шимча қилган Кремль вакили.

“TELEGRAM” ҚОЗОҒИСТОНДА ОФИС ОЧАДИ

Қозоғистонда ҳукумат билан ноқонуний контентни ўчириш бўйича ҳамкорлик қилиш мақсадида “Telegram” компанияси офиси очилади. Бу ҳақда “ТАСС” хабар бермоқда.

Қозоғистон рақамли ривожланиш, инновациялар ва аэро-космик саноат вазири Жаслан Мадиев АҚШ Савдо палатаси ва йирик Америка компаниялари вакиллари билан учрашган.

“Биз, шунингдек, ноқонуний контентни тезкор олиб таш-лаш ва зарарли каналларни блоклаш мақсадида “Telegram” билан фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз. Қонунчилигимизга кўра, “Telegram”, “WhatsApp” ва “TikTok” каби интернет плат-формалари энди Қозоғистонда ўз вакилига эга бўлиши шарт. “Telegram” билан уларнинг вакилини тайинлаш ва офис очиш бўйича келишувга эришилди — бу контент устидан назоратни кучайтириш йўлидаги муҳим қадам”, дея Мадиевнинг сўзла-рини келтирмоқда вазирлик матбуот хизмати.

ТАЙВАН АТРОФИДА ҲАРБИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Хитой асосий портлар ва ҳудудларни блокада қилиш ҳамда назоратга олиш бўйича Тайван атрофида машғулотлар бошлади. Бу ҳақда жанговар қўмондонликнинг Шарқий зонаси расмий вакили Ли Си маълум қилган.



Маълум қилиниши-ча, Хитой Тайван бўғозида ўтказилади-ган машғулотларига қу-руқликдаги қўшинлар, денгиз флоти, ҳаво куч-лари, ракета кучлари ва бошқа қўшинларни юборган. Машғулотлар оролнинг шимолий, жа-нубий ва шарқий қисмларида бўлиб ўтади. Ли Си таъкидла-шича, машғулотлар давомида кемалар ва самолётлар Тайванга турли йўналишлардан яқинлашади ва “турли хил зарба берувчи кучлар иштирокида қўшма ҳужум бўйича манёврлар ўтказади”.

Машғулотлар Тайван мустақиллигига интилаётган айирмачи кучларга жиддий огоҳлантириш бўлиб хизмат қилади ва мил-лий суверенитетни ҳимоя қилиш ва давлат бирлигини сақлаш учун адолатли ҳамда зарур қадамдир”, деган Хитой вакили.

ТОЖИКИСТОННИНГ ТАЛАБИ

Тожикистон инсон ҳуқуқлари вакили Умед Бобозода россиялик ҳамкасби Татьяна Москалковага мигрантларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши юзасидан мурожаат йўллаган. Унинг баёноти матни матбуот хизмати томонидан эълон қилинган.



Бобозода меҳнат му-ҳожирларининг ҳужжат-лари қонунийлиги тек-ширилаётгани ҳақида хабар топишганини маълум қилган. Тар-моқларда тарқалган ви-деоларга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идо-ралари ходимлари “қў-поллик, калтаклаш ва ҳақоратлаш каби тақиқланган муомала усулларини қўлламоқда”.

Тожикистон фуқаролари кўпинча чегарада узоқ вақт, баъзан бир неча кун давомида тегишли яшаш шароитлари ва овқатла-ниш таъминланмаган ҳолда ушлаб турилмоқда. Улар орасида амалдорлар вакиллари, талабалар, кексалар, аёллар ва бола-лар ҳам бор, деб таъкидланган омбудсман мурожаатида.

У.Бобозода Москалковадан республика фуқароларининг Россиядаги ҳуқуқларига риоя қилинишини ва мигрантларга нисбатан нотўғри муносабат ҳолатлари текширилишини талаб қилган.

Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шаҳри ҳокимликлари муассислигидаги “Машъал” газетаси таҳририяти жамоаси Ойбек уй-музейи директори Ойнур Тошмуҳаммедовага волидаи муҳтарамаси, Ўзбекистон Миллий университети профессори, кимё фанлари доктори

Ойниса Тошмуҳаммедованинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТАЪЛИМ

МЕГАЛОЙИҲА НИМА, МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИ ҚАНДАЙ?

Ёки университетда йўлга қўйилган мегалойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида 2023 йилнинг июнь ойида “Ўзбекистонда ветеринария, биотехнология ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун кадрларни интенсив тайёрлаш илмий бизнес инкубатори” мегалойиҳасига старт берилган эди. Ушбу лойиҳа илмий кадрлар етиштиришнинг самарали тизимини йўлга қўйиш, илмий изланишларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, талабалар амалиётини ташкил этиш ҳамда тўлиқ ўз-ўзини молиялаштириш механизмини яратиш мақсадида барча имкониятларни ўзида мужассамлаштирган.

Лойиҳа доирасида замонавий тажриба-вивария клиникаси, ўқув ва илмий лабораториялар базаси шакллантирилди. Илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди ва ветеринария, чорвачилик, биотехнология, агротехнология, агроиқтисодиёт соҳаларида кадрларни интенсив тайёрлаш орқали юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда. Асосийси, илмий салоҳият кескин кўтарилди ҳамда бакалавриат ва магистратура талабаларига дарс ўтиш жараёнларида тўлиқ фойдаланилаяпти. Натижада инновацион фан-таълим, илм ва ишлаб чиқариш узвий боғлиқлиги таъминланди.

Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда ветеринария, биотехнология ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун кадрларни интенсив тайёрлаш, илмий бизнес инкубаторини ташкил этиш ҳамда инновацион ғоялар асосида янги услуб-воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Лойиҳанинг асосий вазифалари эса, ташкилотлар ва аҳолига хизмат кўрсатадиган замонавий илмий-инновацион марказ ташкил этилиб, ветеринария, чорвачилик, биотехнология, агротехнология ва агроиқтисодиёт соҳаларида фаолият олиб бораётган изланувчиларни жалб қилиш, илмий кадрлар тадқиқотлари натижаларидан олинган ишланма ва илмий янгиликларни ишлаб чиқариш амалиётига жорий этиш, буюртмачилар билан манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш, республиканинг қишлоқ хўжалик кластерлари учун юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш ҳамда университетнинг молиявий мустақиллигини босқичма-босқич таъминлаб, илмий салоҳиятни кескин кўтаришдан иборатдир.

Лойиҳа иштирокчилари томонидан бугунги кунга қадар олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида 100 дан ортиқ мақола, тезислар “Scopus”, “Web of Science”, “Impact factor” каби халқаро ва республика илмий журналларида, илмий-амалий конференциялари тўпламларида чоп эттирилди.

Университетнинг Нукус ва Тошкент филиаллари учун ветеринария ва чорвачилик соҳалари бўйича юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаб бериш, илмий кадрларнинг илмий тадқиқотлари натижалари бўйича олинган ишланма ва илмий янгиликларни республиканинг ветеринария, чорвачилик, биотехнология ҳамда агротехнология соҳалари бўйича ишлаб чиқариш амалиётига жорий этиш, юқумсиз ва инвазион касалликларга тезкор ташхис қўйишни ташкил этиш ва ушбу касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг замонавий, самарали усулларини ишлаб чиқиш, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини доимий назорат қилиш орқали инсонлар учун хавф туғдирувчи омилларни юқори аниқликда илмий таҳлил қилиш ва амалиётга илмий асосланган ҳолда тавсиялар бериш орқали кўзланган натижаларга эришилмоқда.

Лойиҳа доирасида бугунги кунда 38 нафар профессор-ўқитувчи (22 нафари фалсафа доктори (PhD), 16 нафари фан доктори (DSc)), “Устоз-шогирд” тизимида 5 нафар магистратура мутахассислиги ҳамда 7 нафар бакалавриат босқичи талабалари ўз илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Тадқиқотчилар 14 хил ҳайвон турлари (от, йирик шохли қорамол, қўй, эчки, асалари, курка, товуқ, бедана, қуён, балиқ каби) устида тажриба ўтказиб, изланишларини давом эттиришмоқда.



Республикада наслли эчкичиликни йўлга қўйиш, уларнинг бош сонини кўпайтириш, эчкичиликнинг наслчилик-селекция соҳаларида илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, фундаментал ва амалий тадқиқотларда фойдаланишни ташкил этиш мақсадида 2023 йилда Россия Федерациясидан 10 бош “Оренбург” зотли, жорий йилда эса 10 бош “Ангор” зотли эчкилар олиб келинган бўлса, яна Россия Федерациясининг Олтой ўлкаси ҳамда Монголиядан 10 бошдан зотдор эчкилар олиб келиниши кутилмоқда.

Мегалойиҳа доирасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган изланувчиларнинг тадқиқот объектларидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳайвон тури бўйича сардорлар тайинланди ҳамда олиб борилган ишлар ва эришилган натижалар бўйича ўзаро фикр алмашиш мақсадида семинарлар ташкил этилиб, илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг апробациялари махсус апробация комиссияси иштирокида муҳокама қилинмоқда.

Юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун лойиҳа иштирокчиларидан 10 нафарга яқини дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи олий таълим муассасаларида, жумладан, Туркия давлатининг Докуз Эйлюл университети, Қозоғистон давлатининг Қозоқ миллий аграр тадқиқотлар университети ва Мухтор Авезов номидаги Қозоғистон университетларида ҳамда илмий тадқиқот институтларида қисқа муддатли малака ва стажировка ўтаб келишди. Шунингдек, лойиҳа иштирокчиларини Туркия, Беларусь, Россия, Латвия, Португалия каби хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларига малака ошириш учун юбориш кўзда тутилган.



Умуман олганда, мазкур мегалойиҳа ва ундан кутилаётган натижалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур”нинг мақсадли параметрлари ва асосий йўналишлари — аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ҳамда чорвачилик ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, ушбу соҳада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга оид давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Асосийси, мегалойиҳадан кўзланган мақсад, глобал масалалардан бўлган озиқ-овқат хавфсизлиги, чорвачилик ва биотехнология соҳалари бўйича мутахассис — юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш, шунингдек, чорвачилик соҳасида сифат назоратини кучайтириш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, чорвачилик ва ветеринария соҳасида инфратузилма хизматларини ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш каби энг устувор тамойилларни амалга оширишда илмий-тадқиқот ишларини холис тажриба ва синовдан ўтказишдан иборатдир.





Худайназар ЮНУСОВ,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ректори, биология фанлари доктори, профессор.

ТУРКИЙ ИСМ — ЎЗЛИГИМ МЕНИНГ

ёхуд асл миллий исмларга қачон қайтамиз?

1-б.

Акайо, Генрих, Владимир, Жунсан, Васо, Акшай, Сяомин... Бу исмларни эшитган заҳоти қайси миллат вакили эканлигини англаб етасиз, шундайми? Баъзи исмлар кўп миллатларда учрайди, масалан, Денис. Аммо уларнинг фамилиялари орқали бемалол миллатини ажрата оласиз. Мисол келтирадиган бўлсак, грузин миллатининг фамилиялари “дзе” ёки “швили” қўшимчалари билан айтилади: Махарашвили, Копадзе, Шеварнадзе, Беридзе... Арман миллатида “ян” қўшимчаси мавжуд. Рус миллати исм-шарифларида эса “вич” бор. Бу ўз даврида бизга ҳам “мерос” бўлиб ўтган.

Исмлари биз билан бир хил бўлган қўшни давлат Тожикистонда фамилиялар “зода” қўшимчаси билан юритилади: Қурбонзода, Раҳмонзода... Шу ўринда икки-уч йил аввал ижтимоий тармоқларда берилган хабарга кўра, ушбу давлатда туғиладиган чақалоқларга фақат тожик, яъни форсий исм қўйилиши ҳақида қарор чиққанини эшитгандим. Бу хабар қай даражада тўғри, билмадим, бироқ буни эшитиб хурсанд бўлганман. Чунки исм ҳар бир миллатнинг ўзлигини англатиб туриши керак.

Хорижда давлатимиз хизматида бўлган ўғлим қўнғироқ қилиб қолди. Салом-аликдан сўнг муддаога ўтди:

— Келинингиз шу кунларда кўпайишади. Фарзандимга туркий исм қўймоқчиман.

— Тўғри ўйлабсан, ўғлим, — хурсанд бўлдим фикридан. — Исм ҳам миллатни англатиб турувчи қадрият.

— Шундай, аяжон. Ўзингизга ёққан туркий исмлардан ёзиб юборинг...

Европада туғиладиган набирамга исм танлаш учун кутубхоналардан туркий исмлар китобини излай бошладим. Бахтга қарши, бундай китоб топа олмадим. Умумий исмлар китобида эса, асосан, арабий ва форсий исмлар жой олган. Шунга ҳам етти йил бўляпти. Ҳозир ҳам бундай китоб бор деб ўйламайман. Негаки, юртимизда туғилаётган чақалоқларга, асосан, арабий исмлар қўйилмоқда. Албатта, бу ислом динига эътиқод қилишимиз билан узвий боғлиқ. Мамлакатимиз аҳолисининг тўқсон фоизини мусулмонлар ташкил этади. Албатта динимизни яхши кўрамиз, эътиқод қиламиз, мусулмон эканимизга шукроналар келтирамиз. Бироқ бу эътиқод миллатимизга — ўзлигимизга тегишли бўлган қадим қадриятларимизга раҳна солмаслиги керак.

Атрофимдаги баъзи воқеалардан ҳайратга тушаман. Нима эмиш, аллаким ислом динига эътиқоди кучайиб, ўз исмини арабий қилиб ўзгартирибди. Шу ўринда бир ҳақиқатга юзланишимиз шарт деб ўйлайман, яъни арабий исмлар ислом дини кириб келмасидан аввал, ўз тиллари билан айтганда, жоҳилият даврида ҳам худди шундай бўлган. Ислом дини кириб келганидан кейин, исломий исмлар жорий қилинганда, фарз қилинганда ҳам майли эди. Айтмоқчиманки, араб миллати қадим даврлардан буён аждодлари исмини ардоқлаб келмоқда.

Шундай экан, турк эли фарзандлари нима учун аждодларидан мерос туркий исмларни унутиши керак? Нима учун юртимиз эгалари ўзга миллат исмлари билан дунёга бўй кўрсатиши керак?! Нима учун Турон элида яшаб ўтган ота-боболаримиз, эна-момоларимиз исми четда қолмоқда, унутилмоқда? Кўксида Ватанига, миллатига муҳаббати собит инсон борки, буни ўйлаб кўриши лозим эмасми?

Туркия давлати кинорежиссёрлари томонидан тарихий воқеалар асосида суратга олинган “Чолиқуши” бадиий фильми барчамизга яхши таниш. Ёдингизда бўлса, шу фильмда қизлардан иборат синф ўқувчилари устозларига бир-бир ўзларини таништиради: Айше, Айше... яъни қизларнинг асосий қисмининг исми Айше бўлади. Ҳозирда эса турк фильмларидаги қаҳрамонларнинг исмлари деярли туркона: Чечак, Гулзор, Дунё, Осмон, Севги, Баҳор, Турон, Арслон... Қандай гўзал исмлар! Дарҳақиқат, қадим аждодларимиз табиат билан уйғунликда исм қўйишган. Қўшнимиз Қозоғистонда ҳам бизга нисбатан туркий исмларга кўпроқ эътибор қаратилишига гувоҳман.

Мақолани тайёрлаш жараёнида туркий исмлар берилган китобни топа олмагач, ижтимоий тармоқдан фойдаландим. Афсуски, ижтимоий тармоқда ҳам “туркча исмлар рўйхати қани?” деган сўроққа дуч келдим, яъни исмлар берилмаган. Ўзбекча исмлар маъноси деган бўлимда эса учта рукн бўлиб, биринчиси “Арабча”, иккинчиси “Бошқалар”, учинчиси “Форс-тожикча” дея белгиланибди. Эътибор қилган бўлсангиз, ўзбекча исмлар бўлимида “Ўзбекча” деган рукннинг ўзи йўқ. Бу қай даражада афсусланарли эканлигини англаб етгандирсиз?!

Мен журналист сифатида ватанпарварлик руҳидаги кўплаб тадбирларда иштирок этганман. Бироқ мана шу йиғинларнинг бирортасида ўғил-қизларимизга туркий исмлар қўйиш ҳақида сўз юритилганини эслай олмайман. Тўғрироғи, бу борада бирор маротаба фикр билдирилмаган, баҳс-мунозара бўлмаган.

Доноларимиз “Исмларда ҳикмат бор”, дейишади. Дарҳақиқат, қадим аждодларимиз шу ҳақиқатга қаттиқ амал қилишган. Янги туғилган чақалоққа исм қўйишга катта эътибор қаратилган. Янги меҳмонга катталар иштирокидаги маросим орқали исм танланган. Маъноси, жарангдорлиги инобатга олинган.

Ўзбекча исмларни излаш чоғида Отабек ва Кумуш исмларига дуч келдим. Қаранг, ўзбекнинг улуғ ёзувчиси Абдулла Қодирий ўзининг бетакрор асари “Ўткан кунлар”нинг бош қаҳрамонларига ўзбекча исмлар танлаган. Бу бежиз эмас, албатта. Миллат эрки дея кўкси куйиб ўтган, жадидчилик ҳаракатининг илғор вакилларидан бўлган ёзувчининг чин маънода ватанпарварлигидан далолат бу. Миллатпарвар инсон ўзгача бўлиши мумкин эмас.

Яқинда ҳамкасбларимдан бири набирасига Алп-Арслон дея исм қўйди. Туркийларга ҳос қанчалар чиройли исм! Умидим, тилагим — юртимизда мана шундай Алп-Арслон, Алп-Тегин, Ойбарчин ва Тўмарис каби туркий исмлар кўпайсин. Сизга неча юзлаб арабий ва форсий исмлар ичидан излаб-излаб топганим — ўзбекча исмлар рўйхатини илиндим.

Гулбаршин — ипак гули деган маънони англатади. Гулдек чиройли, нафис, кўзни қамаштирувчи ҳуснга эга.

Исмадиёр — Ватанига, халқига вафодор, жонини берувчи етук инсон.

Севарбек — юртини, элини, яқинларини севади.

Хушнур — хуш кайфият инсон, чеҳраси нурли.

Бобур — йўлбарс, арслон, улуғ, буюк. Шунингдек, тез гапирадиган одам маъноси бор.

Ботир — мард, жасур, қўрқмас.

Ёркин — келажаги порлоқ, меҳр-шафқатли, мурувватли, кўнгли очиқ.

Жўрабек — дўстликни қадрловчи, жўраларнинг беги.

Лочин — лочиндек зийрак, довюрак, чаққон, тезкор.

Ойбек — беклар наслидан бўлган омадли, бахтли, ойдек порлоқ.

Отабек — шаҳзода, хонзода, беклар бошлиғи, етакчиси, сардори обрўэътиборли, насл-насабли.

Тўлқин — ҳаётда яйраб, яшнаб, денгиз тўлқинидек жўшқин, тўлиб-тошиб юрсин деган маъно мужассам.

Улуғбек — буюк ҳукмрон, буюк султон ёки бекларнинг беги.

Ўктам — ғамхўр, меҳр-мурувватли ёки мағрур, виқорли, мустақил, эркин.

Ўткир — моҳир, ақлли, заковатли, ўткир. Доно, билимли, зеҳнли, зийрак.

Учқун — ҳаёти нурли, толеи порлоқ, иқболи баланд, саодатли ва омадли.

Файзбек — беклар авлодига мансуб, файз-баракали, омадли, саховатли.

Эркин — ҳур, озод, мустақил, ҳеч кимга тобе бўлмаган.

Элбек — элнинг бошлиғи, сардори, йўлбошчиси.

Ойбарчин — ой юзли, ой чеҳрали, иболи, ҳаёли, қалби пок.

Бинафша — кўркам, нафис, сулув.

Ёрқиной — ҳаёти нурли, меҳрибон дилкаш қиз.

Ифора — хушбўй, ёқимли ифорли, нафис ҳид таратувчи.

Камола — камолга эришган етук, зебо, кўркам, мукаммал.

Кумуш — кумушдек ёрқин, қадрли, оқ юзли оқбадан гўзал.

Наргиза — наргис (бўтагул)дек нозик, нафис, зебо, гўзал.

Юлдуз — юлдуздек ёруғ юзли, нурли, чиройли, латофатли. Толеи юлдуздек юксак ва иқболи порлоқ.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётида унга қўйилган исмнинг ўрни жуда катта аҳамиятга эга дейишади. Қайда бўлсам, бошда дўппим деганларидек, фарзандларимиз, набираларимизга ўзлигимизга хос бўлган туркона — ўзбекона исмлардан қўйсак, бу ҳам миллатпарварлик ва ўзлигини англашдан далолат бўлгай!

Зулфия ЮНУСОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ШЕЪРИЯТ

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ

Кўкламлар туғилар кузда...



Муаллиф ҳақида:

Аҳмадали Шерназаров — таниқли журналист ва публицист. Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида таҳсил олган. Кўп йиллар “Сирдарё ҳақиқати” газетасида ишлаган. 2013 йилдан буён “Халқ сўзи” газетасининг Сирдарё вилояти бўйича мухбири бўлиб фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси. “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби. “Куз баҳори” деб номланган публицистик мақолалар тўплами нашр этилиш арафасида.

ЎТКИНЧИ

Селлар дарё бўлмайди,
Тошқинлиги ўткинчи.
Еллар бўрон бўлмайди,
Шошқинлиги ўткинчи.

Кўкни булут босса ҳам,
Майин ёмғир ёғса ҳам,
Жазирама ёзларнинг
Салқинлиги ўткинчи.

Мингта чақмоқ бир бўлиб,
Ёлғиз Ойдек бўлолмас,
Чарақлаган чақиннинг
Ёркинлиги ўткинчи.

“Айланайин” деса-да,
“Ўргилайин” деса-да,
Жигар бўлмас, ётларнинг
Яқинлиги ўткинчи.

Кунда ўқиб турмаса,
Халқ ичида юрмаса,
Бундай шоир, оқиннинг
Жўшқинлиги ўткинчи.

...Селлар дарё бўлмайди,
Тошқинлиги ўткинчи.
Еллар бўрон бўлмайди,
Шошқинлиги ўткинчи.

ЖУРНАЛИСТИКА

Туғилибон сўзга эгизак,
Одам Ато замонларида,
Жарчидан то интернетгача,
Оламнинг тўрт томонларида
Кезиб юрар журналистика!

Тошбитиклар, газеталар ҳам,
Шаксиз эрур мухбир-муаррих.
Ўтаётган ҳар дақиқадан,
Кундан-тундан — ҳаққоний тарих,
Ёзиб юрар журналистика!

Ҳар жабҳадан эрур хабардор,
Ҳатто жумбоқ — фалакиётдан.
Келажакдан муждалар йўллаб,
Шамолдан-да шошқин ҳаётдан
Ўзиб юрар журналистика!

Бу соҳада тин олиш йўқдир,
Ҳаракатда ҳар кун, ҳар онда.
Керак бўлса, ҳатто кемасиз,
Хабармакон деган уммонда
Сузиб юрар журналистика!

...Шамолдан-да шошқин ҳаётдан
Ўзиб юрар журналистика!
Оламнинг тўрт томонларида
Кезиб юрар журналистика!

ТЎЙИНГ МУБОРАК, ЭЙ, СИРДАРЁ БОБО!

Кезар ҳўв қишлоғу кентларинг аро,
Гармсел ўрнида файзли бир сабо.
Олтмишта баҳорда минг боғ яратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Сенда яшайдилар турфа юртдошим —
Сенда ўн тўрт манзил жамдир, ажабо!
Миллату элатдан гулбоғ яратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Кузакда полизинг чорлар оламни:
“Қовун сайли” бугун, келинг, марҳабо!”
“Торпедо” қовундан довруқ таратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Замининг сахий ва боғларинг болли,
Ҳатто шўр еринг ҳам тутар мураббо.
Ясси саҳрода ҳам ризқтоғ яратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Бағрингдаги мозий — ёғоч Сардоба,
Кўҳна Ховосинг бор, қадимдан садо.
Тарихнинг устига тарих яратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

Олтмиш ёшингда ҳам чеҳранг навқирон,
Ҳар гўшанг ободдир, кўркам-дилрабо.
Гўзалликда ўзин бедоғ яратган,
Тўйинг муборак, эй, Сирдарё бобо!

КАПАЛАК

Гулдан гулга учиб-қўниб, жон ҳалак,
Кўргани шу: битта гулзор — каталак.
Умри бунча қисқа унинг, эй, фалак,
Ойни кўрмай ўладими капалак?!

Қанотлари мисли атлас ё палак,
Бир гўзалки, соҳибжамол у малак.
Севолмайин ё севмайин, эй, фалак,
Тўйин кўрмай ўладими капалак?

Чечакларга бўлиб бир бор жамалак,
Яратибон боғлар ичра камалак.
Вақтдан ют, деб одамзодни, эй, фалак,
Огоҳ этиб ўладими капалак?!

КУЗ КЎКЛАМИ

Нечун сени севмай мисли баҳордек,
Ҳусну малоҳатинг кўкламдан камми?!
Чиройли чеҳрангдан баҳраманд бўлиб,
Сени мадҳ этмасам, мен ҳам одамми?!

Ахир, сен — барчадан улуғ ижодкор,
Борлиққа чизасан ранг-чаман — тасвир.
Тусларинг тополмай бўёқларидан,
Қаршингда лол турар қанча мусаввир?!

Кўримсиз юлғундан гулшан яратиб,
Райҳонни сўлдирсанг, бўлмайман хафа.
Негаки биламан, бунда яширин,
Куз баҳори деган ажиб фалсафа!

Сунбуланг сувлари бунчалар зилол,
Қувлашмачоқ ўйнар учқур мезонлар.
Яланғоч қолса-да, олтин пойандоз
Тўшар йўлимизга дарахт-мезбонлар.

Кунгай қирлардаги майсалар заиф,
Баҳор қайтишидан бермоқда мужда.
Демак, сен кўкликка эмас интиҳо,
Аксинча, кўкламлар туғилар кузда.

О, кузим! Гарчи сен қизғалдоқлар-у
Қилмасанг-да ўрик гулларин тортиқ.
Лек ўша яширин баҳоринг учун,
Рости, сени севгум кўкламдан ортиқ.

КЎНГИЛНИ КЎНГИЛ ЗАБТ ЭТАР ҲАР ВАҚТ

Жиловланар асов дарёлар,
Тўсса йўлин тошли тўғонлар.
Забт этилар жаҳд-у аҳд билан,
Ҳар қандайин баланд қўрғонлар.

Қодир Эгам қўлласа агар
Ва интилса оқил одамзод,
Дардлар борки, топилур шифо,
Ечилади ҳар бир мушкулот.

Ойга етган учқур қанотлар
Тез орада элтар Марсга ҳам.
Саҳрода ҳам олма ўстириб,
Насиб этса, кўргаймиз баҳам.

Қачонлардир, билмам, қай аср,
Осмонда ҳам шаҳар қурилар.
Тортиш кучин енгганда ақл,
Денгизда ҳам яёв юрилар.

Давом этар интилиш шавқи,
Забт этилмай қолмас бор чўққи.
Бир-биридан ғолиб замонга
Етказажак бу замин ўқи.

Дахлсиздир биргина макон,
Не довондан ошса-да инсон!
Эгалланмас зар-у куч билан,
Унга кирмоқ эмасдир осон.

Азал-абад музаффар ошён,
Кўнгилдир бу, кўринмас қўрғон.
Забт этади кўнгилни кўнгил,
Бундан ўзга ғолиблик ёлғон.

ИЗЛАРМАН

Қизим хотирасига

Мисли ташна саҳродан гирён,
Меҳрбулоқ кўзин изларман.
Из қолдирмас кўчки қумлардан,
Йўқотганим изин изларман.

Минг чеҳрадан излаб юзини,
Минг лутфдан сўзин изларман.

Тополмайман, топганим сароб,
Мен МЕҲРнинг ўзин изларман.

Асл меҳр булоғим — Ҳулкар,
Аҳмад Али қизин изларман.

Топилмас лек, борки кўз нурим,
Тўхтамайин — бетин изларман.

Қиёматда Қодир АЛЛОҲдан
Дийдорига изн изларман.

...Мисли ташна саҳрода гирён,
Меҳрбулоқ кўзин изларман.

ГУЛЛАБ ҚЎЙСАНГ...

Эрта гуллаб қўйди ўрик,
Совуқ уриб, қорда қолди.
Шу орада кимга кимдир
Сирин айтиб, доғда қолди.

Ишон, яна келар кўклам,
Ўрик чунон гуллаб берар,
Аммо сиринг гуллаб қўйсанг,
Мевасини душман терар.

ТАБИАТ ТАЛҚИНИДАГИ ТАҚРИЗ

I

Довуччадек ғўра шеърлар,
Мол ҳам емас, шўра-шеърлар,
Қизил гапли, тарвуз-шеърлар,
Лойқа сувли ҳовуз-шеърлар,
Ичи бўм-бўш қовоқ-шеърлар,
Таши чала сувоқ-шеърлар,
Ажрикдек тарқоқ шеърлар,
Қуёнюрак, қўрқоқ шеърлар,
Боғни босган ўтлоқ-шеърлар,
Райҳон эмас, янтоқ-шеърлар,
Тўтиқушдек маддоҳ шеърлар,
Туғилибоқ адоқ-шеърлар,
Қора қозон юқи-шеърлар,
Муаллифи... “Жўқи” шеърлар.

II

Бийрон тилли, булбул-шеърлар,
Сатрлари сунбул шеърлар,
Синоати анор-шеърлар,
Қуёш каби ёнар шеърлар,
Чўкса кўнгил, қирғоқ-шеърлар,
Мағзи бутун, ёнғоқ-шеърлар,
Таъми тотли анжир-шеърлар,
Печакгулдек занжир-шеърлар,
Қоя мисол мағрур шеърлар,
Шерюракли, масрур шеърлар,
Бургутқанот учқур шеърлар,
Фикран кўкдай чуқур шеърлар,
Ҳақиқатга доир шеърлар,
Эгаси чин шоир — шеърлар!

ХИНО ҚЎЙМА, АТИР СЕПМА

Сарви гулрў, бирам сулув,
Рухсоринг бор, ўзингники.
Хино қўйма, атир сепма,
Ифоринг бор, ўзингники.

Қуёш яшар кўзларингда,
Ҳавас қилма оҳуларга.
Киприк аро ўтли нигоҳ,
Нигоринг бор, ўзингники.

Ой юзингга ҳилол ҳайрон,
Ҳасад қилар лолазорлар.
Гул чеҳрангда ҳамишалик
Баҳоринг бор, ўзингники.

Қалдирғочлар қайрилманинг
Андозасин сендан олган.
Қошларингни манзил қилган
Дилдорлик бор, ўзингники.

Ғунча лабинг бол йиққанми
Субҳидамда шабнамлардан?
Саҳар чоғи гулшанларда
Дийдоринг бор, ўзингники.

Ўтса ҳамки қанча баҳор,
Қанча кузлар, ёзу қишлар,
Сени севар Аҳмад Али,
Абгоринг бор, ўзингники.

Сарви гулрў, бирам сулув
Рухсоринг бор, ўзингники.
Сурма суртма, атир сепма,
Ифоринг бор, ўзингники.

МУТОЛАА

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ САТРЛАР



Китоб жавонимдан иккита янги шеърий тўплам жой олди. Истеъдодли адиб, шоир ва журналист Тўлқин Эшбекнинг жорий йилда “Yangi asr avlodi” нашриётида чиққан “Бобурнинг гавҳарлари” ва “Dunyo nashr”да чоп этилган “Бухорои шариф зиёси” деб номланган шеърий тўпламларини мутолаа қилиб, бир олам таассурот олдим. Тўпламлардан жой олган шеърларнинг аксариятини “Hurriyat”, “Маърифат”, “Маҳалла”, “Янги Ўзбекистон”, “Улуғ йўл”, “Диёр овози” газеталари, “Ҳидоят” журналида ва ижтимоий тармоқларда ўқиганман. Баъзи шеърлари ҳақида телефон орқали муаллифга ўз фикрларимни айтганман. Чиройли муқоваларда 1000 нусхадан чоп этилган тўпламларни кўздан кечириб, шоирнинг катта истеъдод эгаси эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Мен Тўлқин Эшбекнинг мақола, шеър, ҳикоя ва публицистик асарларини кўп йиллардан бери кузатиб келаман. Дунёқараши ўзгача ижодкор дўстимизнинг сермазмун шеърларида мамлакатимиз тарихида ёркин из қолдирган аждодлар сиймоси билан ҳозирги ҳаётимиз ва келажак орзу-умидлар қанчалик теран уйғунлашиб кетганини ҳис этасиз. Бу муаллифнинг тафаккури, изланишлари самарасидир.

“Бобурнинг гавҳарлари” тўпламидан жой олган достон, поэма, қасида, шеър ва фардларнинг мавзулари ҳаётий, ранг-баранг ва долзарбдир. Қай бир жанрда, қандай мавзуда қалам тебратмасин, халқона ва жозибали тилда ёзиш муаллифнинг ўзига хос услубидир.

Бобур Мирзога бағишланган достонни ўқиган киши улуғ аждодимиз, буюк шоир, машҳур саркарда, йирик давлат арбобининг залворли фаолияти ва бетакрор ижоди нафақат бугунги Ўзбекистон ва Ҳиндистон тарихи, маданияти ва фани, балки бутун жаҳон цивилизацияси учун улкан аҳамиятга эга эканини теран англаб етишига шубҳа йўқ. Бу мавзуларда анча-мунча изланган Тўлқин Эшбек атоқли адиблар Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” ва Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома” асарларидан илҳомланиб битганлиги яққол сезилади. Унинг туркум шеърларида буюк шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймоси ўзгача намоён бўлади. Муҳими, тўпламга киритилган бу достон Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга қўшилган салмоқли ҳисса, дейиш мумкин.

Муаллифнинг оҳанрабодек ўзига тортадиган



қуйма сатрларини мутолаа этган ўқувчи она тилимиз нақадар бойлиги ва жилоларини ҳис этади:

Темур бобомнинг бешинчи авлоди бўлсам-да,
Шоҳ йигитга тақдир раво кўрди ғадолиғлар.
Тенгримга боз шукр айладим, саёқни доим ҳам
Таёқ ила сийламайин, берди фароғлиғлар.

Ўз юртимда умид топмай заррача, Ҳинд сори
От бошини бурдим, қилиб юзи қаролиғлар.
Икки ёндан қанча мўмин-кофир қони оқди,
Бир-бирини кўролмасди қаро қароғлиғлар.

“Бобур муножоти” сарлавҳаси остида битилган мана шундай сатрлар улуғ шоир Бобур ғазалларига ўзига хос назира десак хато бўлмас.

Кўп миллатли мамлакатимизда улғайган Тўлқин Эшбек халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни жуда қадрлайди ва бу мавзуга тез-тез мурожаат қилади. Чунончи, “Қардошлик ришталари” бобидаги туркман халқининг атоқли шоири Махтумқулига бағишланган “Туркман булбули” достони ва Озарбайжон мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Насимий ҳақидаги “Насимийнинг мангу зиёси” поэмаси ўша миллатга мансуб қардошларимиз билан меҳр ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Тўлқин Эшбек — ҳақиқий ватанпарвар шоир. Унинг она юртга меҳр-муҳаббат туйғуси “Янги Ўзбекистоннома”, “Янги Ўзбекистоним”, “Ўзбек мадҳи билан олам тўлғуси”, “Ўзбекистон байроғи”, “Юртим”, “Халқимнинг қудратли қўшиғи”, “Ўзбек тилим”, “Самарқандномa” каби шеърларида янада яққол намоён бўлади. Атоқли шоир Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасидан илҳомланиб ёзилган “Янги Ўзбекистоним” шеъри юракларни тўлқинлантиради:

Истиқлолдан мунаввар ҳаёт,
Дилларимиз бўлди чароғон.
Энди янги Ўзбекистонда
Яшамоқда элим фаровон.

Шоир фахр ила дейди:

Бу кун жаҳон бермоқдадир тан
Сенга, Янги Ўзбекистоним!

Халқдан чиққан, унга беминнат хизмат қилаётган ижодкор юртдошларни, айниқса, ёшларни энг яхши инсоний фазилатларга эга бўлишга чорлайди, турли жанрлардаги асарлари орқали ҳамиша яхшилик қилишга, ҳаёт қийинчиликларини сабр-тоқат билан енгишга ва ҳамжиҳат бўлишга даъват этади. Энг муҳими, ана шу ибратли ўгитларига, аввало, ўзи амал қилишини қуйидаги сатрлари орқали ифода этади:

Ечилгай йўлидан ғовлар —
кишидир гар саховатли,
Тўкилгай кум бўлиб тоғлар —
киши гар бўлса тоқатли.

Бир ўринда шоир шундай ёзади:

Бир жойга йиғилса — катта анжуман,
Бирники минггадир, мингники туман!

Тўлқин Эшбек инсонлар, халқлар, мамлакатлар ўртасидаги дўстликни қадрлаб, уни ўзига хос тарзда тараннум этадиган шоир. У меҳр ришталарини ардоқлаб, чин дўстликни шундай таърифлайди:

Тутишга дўст расмун этибсан
ихтиёр, Тўлқин,
Қўй улкан ишқни дўстликка,
магар дўстдир муҳаббатли.

Ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини кўрган, ҳатто саратон касалини енгиб, соғайган шоир қатор шеърларида ўқувчини умр ва соғлиқ қадрига етишга даъват этади:

Боши тошга теккач очилган кўзлар!
Билган ҳикматингиз барчага айтинг.
Яшашни истасанг — ичиш, чекишдан,
Нафсибузуқликдан шу онда қайтинг!
Ўқинг улуғ Сино бобом китобин,
Ҳикматларга албат амал қилингиз.
Минг йил яшаш сирин кўрсатган Ҳаким,
Соғлик — бойлик, ҳаёт қадрин билингиз!

Ҳаётдан, жамиятдан нолиб яшайдиган баъзи кимсаларни яхшилик ҳислари билан яшашга ундаган шоир бир ўринда шундай ёзади:

Эсим танигандан кўрдим замондин яхшилик,
Ҳаёт тегирмонидан чиқдим бутун яхшилик!
Гар тиласанг ўзингга, ўзгага икки ҳисса,
Истасанг астойдил чиққай ёмондан
яхшилик.

Она Ватанга, буюк аждодларга эҳтиром руҳи билан яшаб ижод қилаётган шоирнинг шеърларида кўҳна тарихимиз зарварақлари ва бугунги кун нафаси бир-бирига пайваста бўлиб кетган. Кўҳна Турон заминимиз кўрки саналмиш Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарлар кўркига кўрк қўшиб турган Исмоил Сомоний, Ҳаким Термизий, Амир Темур мақбаралари, Имом Бухорий, Зангиота, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари тараннум этилган ашъорлар ўқувчи қалбига нақшланиб қолади. Жаҳон илм-фани ва маънавиятига беқиёс ҳисса қўшган Форобий, Фарғоний, Хоразмий, Замахшарий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фурқат, Муқимий, Ойбек, Ҳабиб Абдуллаев, Абдулла Қаҳҳор, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби ўнлаб ёркин сиймолар Тўлқин Эшбек ижодида ўзига хос равишда тараннум этилади. Шоир янги Ўзбекистонни бунёд этишда, аввало, ана шундай улуғ сиймоларнинг маънавий-маърифий, илмий, ижодий хазиналаридан баҳраманд бўлишга барча замондошларини даъват этади.

Талабалик давридаёқ ноёб истеъдоди ва сермаҳсул ижоди билан устозлари эътиборига тушган Тўлқин Эшбекни дастлаб Қибрай туман газетасига ишга таклиф этишган. Сўнг қатор йиллар “Ўзбекистон овози” газетаси, “Ўзбекистон матбуоти”, “Гулхан” журналларида, “Наврўз” нашриётида, “Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси” таҳририятида қалами қайралган шоир ва адиб айни пайтда ўзи таҳсил олган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида талабаларга дарс бермоқда. Ёш авлодни қанчалик ватанпарварлик ва миллий истиқлол руҳида тарбиялашга ҳаракат қилаётгани унинг қатор шеърларида ҳам ўз ифодасини топган. У бир шеърида ўқувчисига қарата:

Тилингни тийиб юр, кам гапир, деди,
Югурмай қадаминг билиб бос энди.

деб огоҳлантирса, “Йигит ва чол” шеърида:

Беҳудага ўтказма умринг,
Йигитликда бўлгин болари.
Кексайганда роҳатин кўриб,
Ғам-андуҳдан бўласан нари!

дея ўгит беради. Бу панднома, аслида, барча ёшлар учун ҳаёт мактаби эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Айниқса, муаллифнинг “Бобурнинг гавҳарлари” тўпламидан ўрин олган шеърларида халқ мақоллари, ривоятлари, ҳикматлари, ўрни келганда, маҳаллий шеваларни қанчалик пухта билиши яққол сезилиб турибди. Бу ҳол “Бухорои шариф зиёси” тўпламида ҳам теранроқ акс этган. Мазкур тўпламларга сўзбоши ёзган таниқли адабиётшунослар Нурбой Жабборовнинг “Сўз гавҳарининг қадри” ва Султонмурод Олимнинг “Давом этар Бухоро мадҳи”, шунингдек, Оллоёр Бегалиевнинг сўнгсўз ўрнида битган “Зиёлийдур”, “Бухоро болалик аразим” сарлавҳали мақолаларида муаллиф ижодининг турфа қирралари теран таҳлил этилган.

Бугунги адабиётимизда шоир Тўлқин Эшбек китоблари ўзига хос воқелик бўлгани бежиз эътироф этилмаяпти. Чунки бу тўпламлардан ўрин олган шеърий асарлар шакл ва мазмун жиҳатидан ўзига хослиги, юксак бадиий маҳорат ила ёзилгани билан ажралиб туради. Истеъдоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнат, деган ақидага амал қилган шоир шу тариқа кўп сонли мухлислари қалбидан жой олишига шубҳа йўқ. Бу сара асарлар келгусида хорижий тилларга ҳам таржима қилинишига ишонамиз.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг миллий адабиётимизга, ижод аҳлига бўлган эътибори кўплаб ёзувчи-шоирларга туганмас илҳом ҳамда улкан маънавий куч ато этаётгани сир эмас. Наздимда, “Бобурнинг гавҳарлари” ва “Бухорои шариф зиёси” китоблари Давлатимиз раҳбарининг шу эътиборига муносиб жавоблардан биридир, десак хато бўлмайди.

Собир ҚУРБОНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент,
фахрий журналист.

ИНСОН РУҲИНИНГ ДЎСТЛАРИ



1-6.

Бир мисолни эслатай. 2001 йил 11 сентябрь воқеаси ҳамманинг кўз олдида, таъбир жоиз бўлса, онлайн тарзда юз берди. Аммо унинг тарихи сир-асрорга тўлалигича қолмоқда. Шундай экан, тарихда бўлган воқеалар ҳақида ўз билганича даъволар билан чиқиш дуруст эмас, кўпинча кулгили ёки фожиали бўлади. Бу изоҳ бошқа соҳаларга ҳам тааллуқли. Зотан, ҳар бир фаннинг ўз методологияси борки, уни пухта ўзлаштирмагунча, “чумчуқ сўйишга ҳам пичоқ олмаган” маъқул.

— Барибир адабиёт оламига математика соҳаси мутахассиси бўла туриб янгиликлар, таҳлилий ва танқидий назарияларни тақдим этишингиз кўпчилик учун қизиқ-да. Бадиий ижодга қизиқиш сизда қачон пайдо бўлган ёки истеъдод қачон намоён бўлган?

— Тахминан 5-синфда ўқиган йиллардан бошлаб адабиётга меҳрим тушган. 8-синфгача адабиёт тўгарагига қатнаганман, шеър, кичик пьесалар ҳам ёзганман. Кейин математикага берилиб кетдим. Аммо адабиётга қизиқишим ҳеч қачон сусаймаган. Аксинча, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган сайин ортиб борган. Адабиёт, китоб инсон руҳининг дўстларидир.

— Улуғ аллома Алишер Навоий ва унинг ижодий мероси ҳақида “Муножотнома”, “Аброрлар ҳайрати” каби рисолаларингизда чуқур изланишлар олиб боргансиз. Нега айнан Навоий фалсафасини танлагансиз?

— Айнан танлаган эмасман. Ҳамма қатори Навоий билан танишишни унинг афоризмлари, рубоий ва қитъаларидан бошлаб, сўнг ғазаллари, насрий асарларини ўқишга ўтганман. Ҳамма ҳам “Маҳбубул-қулуб” асари, девонларидаги фалсафий мазмундаги шеърлари, кўпинча ғазалларидаги атиги бир байтда нақадар чуқур тафаккур акс этганини пайқайди. Шу тариқа аста-секин “Навоий — биринчи навбатда даҳо файласуф, ўзбек халқига, ҳатто бутун дунё аҳлига мураббий” деган тушунча мустаҳкамланиб борди. “Хамса”ни ўқишга киришгач, бу тушунча эътиқодга айланди. Бу борада ҳали қилиниши лозим юмушлар ниҳоятда кўп. Ўнлаб, юзлаб йиллар давомида қилинадиган ишлар.

— Алишер Навоийни ёшларга ўргатиш ҳақида қимматли фикрларингиз бор. Балки, боғча ёшиданоқ, кейин мактабда Навоий ижодини, унинг ғояларини ўргатадиган дастур зарурдир? Бу борада сизда қандай таклифлар бор?

— О, қизим-эй, боғча ёшидан дейсиз. Ўрта мактаб тугул, ҳатто ўзбек филологияси факультетларининг кўпида Навоийнинг маънавий меросини ёшларга ўргатадиганлар, ўргата оладиганлар етарли эмас. Навоийшунослар кўп, алҳамдулиллаҳ. Аммо уларнинг аксари ана шу меросга академик ёндашади, ҳатто манфаатдан келиб чиқиб, масалан, диссертация ёқлаш мақсадида шуғулланади. Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан Давлатимиз раҳбари имзо чеккан муҳим қарор қабул қилинди. Унинг деярли ҳамма банди бажарилди. Аммо ёшларни Навоийга яқинлаштиришда сезиларли ўзгариш бўлдими? Билмадим. Қарорни бажаришга киришишдан аввал ва ундан кейин ижтимоий тадқиқот ўтказилганда яхши бўлар эди. Таклифларга келсак, биринчи навбатда ҳамма олий ўқув юртида Навоийнинг сиймосига шайдо, шу қадар шайдоки, дарс ўтганда, суҳбат қилганда тингловчиларга ана шу шайдоликни юқтира оладиган мураббийлар бўлишига эришмоқ керак. Бу жуда муҳим. Буюк бобомизнинг:

Одамий эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами, —

деган байтини билмайдиган ўзбек йўқ чиқар. Аммо турли бўғин раҳбарлари орасида “халқ ғамидан ғами борлар” кўп эмас. Чунки ўқиган, ҳатто ёдлаган билан юқмаса қийин-да.

— Бадиий китоблар мутолааси ҳақида ҳамиша танқидий ва оғриқли фикрлар айтилади. Қачондир китобхонлик юксалиши аниқ. Чунки кўп зиёлилар бу борада изланишмоқда. Сиз нима дейсиз?

— Бу борада шўро тузумида улғайган биз зиёлиларда ўша давр муҳитини қўмсаш бор. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” билан ёшлар газеталари, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Гулистон” журналлари ҳар бирининг тиражи неча юз мингга чиққан эди. Жамланса икки-уч миллионга боради, аҳоли сони эса ўшанда 20 миллионга ҳам етмас эди. Хоҳлаймизмийўқми, у давр ўтиб бўлди, қўмсашдан наф йўқ, керак ҳам эмас. Бозор шароитига мос, пул топиш ғояси биринчи ўринга чиққан муҳит билан уйғун усуллар излаш керак. Конкрет таклиф: шўро даврида “Китоб савдоси” деган давлат ташкилоти бўлар эди. У бозор иқисодиётига мослаша олмай ёпилиб кетди. Бирор маънавиятли тадбиркор замона зайлига мос, муваффақият билан ишлайдиган хусусий фирма очса, қанийди. У ҳеч бўлмаса 5 йилга ҳамма солиқлардан озод этилса ва шу билан тежалган маблағи эвазига ҳамма шаҳар ва йирик қишлоқларда китоб дўконлари очишига имкон яратилса, айни муддао бўлар эди (бир пайтлардаги китоб дўконлари аллақачон хусусийлаштирилиб бўлган).

— Китоб нашри ва уни мамлакатимизнинг барча жойига бир вақтда етказиш ҳам бугунги кунда муаммолидир. Чунки аҳоли сони кўп бўлса-да, китоблар кам нусхада чиқаётир. “Китоблар яратилса, бир кун ўқилади”, деган таскин сизни ҳам овутадими?

— Йўқ, овутмайди. Аксинча, бугунги аҳвол — ҳолва. Бошини интернет сайтларидан кўтармайдиган авлод етиша бошладики, у китоб ўқийдиган авлод ўрнини батамом эгаллагач, китоблар — макулатура бўлади (ишонмасангиз, макулатура пунктларига бир бориб кўринг). Баъзилар: “Мана, айрим Ғарб давлатларида китоб ўқишга қизиқиш ортмоқда-ку”, дейишади (THGM ташкилоти 2022 йилда Шимолий Америка ва Европанинг 56 та мамлакатида ўтказган сўровномага жавоб берганлардан АҚШда 39 фоиз, Буюк Британияда 44 фоиз бир йилда 20 тадан зиёд китоб ўқиганини айтишган, шундан тахминан чораги − бадиий адабиёт). Ижобий анъаналар ниҳоятда қийинлик билан тарқалади, салбийлари эса ёруғлик тезлигида. Ёшларимиз Ғарбдан китоб ўқишни ўрганмаса ҳам майли, ғарбона маданиятга тақлидни юқтирмай туришининг ўзи катта гап.

Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Холиқи эгам бани башарни тўғри йўлга солиш учун йўриқнома ва пандномаларини китоб тарзида нозил қилган, компьютерлар, гаджетлар тарзида эмас. Демак, китобда бир тилсимли қувват бор ва ўз кучини албатта кўрсатади.

— Бугунги кун адабиёти, хусусан, адабиётшунослик ва адабий танқиднинг аҳволи ҳақида қандай фикрдасиз? Кўпларнинг “наср оқсаяпти”, “драматургия ўлди”, “танқид йўқ” деган хулосалари, сизнингча, тўғрими?

— Наср, драматургия, адабий танқид ва бошқалар ўлган эмас, ҳеч қачон ўлмагай. Ҳатто эртак жанри ҳам. У ёки бу жанр қанчадир йиллар мудроқ ҳолга тушиши мумкин. Бир вақт келиб, истеъдод чақмоғи чақнаб, момақалдироқдай жанрни мудрашдан уйғотиши мумкинлигига тарихда мисоллар кўп. Балки, ҳозир шундай истеъдодлар вояга етаётгандир?! 1960 йилларда Қашқадарёнинг Некўз қишлоғидан “Абдулла Орипов” деган портлаш чиқишини ким кутган?

— Миллат қиёфасини сақлаш йўлида оғриқли муаммолардан бири она тилимизни ривожлантириш бўлиб қолмоқда. Навоийга бағишлаб ёзган “Аброрлар ҳайрати” эссе-тадқиқот китобингизда “Алишер Навоий инсоният тарихидаги биринчи она тили патриотидир”, дегансиз. Ростдан ҳам, инсоният тарихида ўз тилини ҳимоя қилишга уринган бошқа шахс чиндан ҳам йўқми?

— Она тилимиз ривожлантиришга муҳтожми, йўқми — билмадим. Лекин бугун уни асраб-авайлаш, бузувчилардан, менсимаётганлардан ҳимоя қилиш долзарб. Тил патриотизмига келсак, Навоий — бу борада дунёда биринчи. Балки ягона ҳам бўлса керак. Чунки у форс тилида ёки араб тилида ижод қилганида, довруғи ўз даврида камида ўн баробар кўпроқ ҳудудга тарқалган, бугун эса юз баробар кўпроқ халқларнинг қалбу шуурини забт этган бўлар эди. Аммо у ўз она тили мавқеи учун бундай шуҳратдан онгли равишда воз кечган. Тарихда ҳам, бугун ҳам бунинг акси — ўз она тили қолиб, бошқа, кенгроқ тарқалган халқ тилида ижод қилган адиблар кўп.

— Биз — бугунги кун ўзбеклари Алишер Навоийга тил борасида издошликни қанчалик уддалай оляпмиз?

— Ҳазрат кўрганларида роса йиғлаган бўлар эдилар.

— Наманган давлат университетида ректорлик қилган йилларингизда шоир Усмон Носир хотирасига бағишлаб “Усмон Носир қаерда?..” пьесасини ёзгансиз. Пьеса тақдири ҳақида сўзлаб берсангиз. Сизни бунга нима ундаган? Уни бугун ҳам томоша қилса бўладими?

— Пьеса баҳонасида замондошларимга савол бермоқчи бўлдим: “Усмон Носирдай адабиёт соҳасида Нобель мукофоти соҳибларидан кам бўлмаган истеъдод эгасини қаерга гумдон қилдингиз? Бугуннинг тирик усмон носирлари қадрига етяпсизми?” Афсуски, жавоб бўлмади.

Пьеса Наманган давлат университетининг ҳаваскорлар саҳнаси учун ёзилган бўлиб, бир тажриба эди. Ундан режиссёр, Ўзбекистон санъат арбоби Карим Йўлдошев фавқулодда руҳиятли спектакль яратди. Бу пьеса муаллифининг яъни каминанинг фикри, албатта. Унда кўтарилган масала долзарблигича қолади, деб ўйлайман.

— Ғазалларингиз, аруздаги шеърларга боғланган назиралар сизнинг бу вазн ва муттоз шеър санъатларини ҳам чуқур билишингиздан дарак беради. Аруз илми бўйича ҳам шогирдларингиз борми?

— Битта арушунослик илми ишқибозига, тўрт-бешта арузнавислик ҳаваскорига озмикўпми ёрдам берган чиқарман. Истовчилар кўп эмас.

— Ижтимоий тармоқлардаги ўз саҳифаларингизда жамият муаммолари, оила масалалари, юртдошларимиз турли соҳаларда эришаётган ютуқлар, муаммолар ҳақида холис фикр билдириб келмоқдасиз. Шу ўринда бир савол. Зиёлиларимиз миллат маънавиятини сақлаш, бошқаларга ўрнак бўлиш тўғрисида ёппасига йўл қўяётган хатолар нечоғлик? Ана шулар ҳақида нима дея оласиз?

— Бунақа қийин савол берманг-да, жавоб беролмаган академикка уят бўлади.

— Устоз, майлими, бироз лирик чекинсак? Инсон ҳамиша табиатни англашга, ҳис қилишга уринади. Кузги гуллар ҳақида “Кузни баҳорга айлантирувчилар” деган ажойиб жумлангизга дуч келдим. Дарҳақиқат, инсон қалби ва тафаккури дунёсида гулларнинг қандай ўрни бор деб ҳисоблайсиз?

— Лирик чекиниш учун ташаккур. Шундай фикрдаман: табиатда одамзоднинг қўли тегмаган ҳамма нарса гўзал. Масалан, тоғда қийшайиб ўсган, шамол синдирган арча шаҳардаги қайчилаб сунъий сарвга айлантирилган арчадан беқиёс даражада гўзал (соатлаб томоша қилиш мумкин). Албатта, одам ҳам гўзаллик яратади, аммо табиий гўзаллик ўз номи билан табиий-да. Шу жумладан, гуллар. Аллоҳнинг мўъжизаси. Дарвоқе, китоблар, спектакллар, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари, архитектура ва иншоотларнинг ҳам гуллари бўлади.

— Бугунги кун матбуоти ҳақида нима дейсиз? Газетани ёшлар ўқимаётгани қандай натижа беради деб ўйлайсиз? Балки, газета нусхалари кўпайса, нархи арзонлашиб, обуна масалалари ечилармиди...

— Афсуски, кўз қуввати тушиб кетган (нури “Бобур энциклопедияси”ни икки марта нашрга тайёрлашга тўкилган). Газета, умуман, майда ҳарфли матнларни лупа билан ўқишга тўғри келадики, маза топмайсан. “Facebook” тармоғида фаоллигимнинг сабабларидан асосийси ҳам шу — катта экранли компьютерга матнни йириклаштириб олиб ўқийман. Ана шу сабабли бугунги даврий матбуот ҳақида бирор жўяли гап айтолмайман. Буни, яхшиси, социологлардан сўраб кўриш керак. Мабодо “Тафаккур”чи деган сўзни учратмаганмисиз? Камина ҳам “Тафаккур”чи. Ўйлайманки, қайси нашрнинг чин мухлислари бўлса, демак, у яшашга ҳақли.

— “Hurriyat” газетасининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Уни кузатиб борасизми? Бугун у сиз кутгандек чоп этиляптими? Қандай таклифларингиз бор?

— Янги нашр этила бошлаганида, матбуот майдонида портлаш содир этган, ҳамманинг оғзига тушган эди. Дўстим Хуршид Дўстмуҳаммад бош муҳаррир бўлган йилларда газетадан маънавий қарздор ҳам бўлганман. Ҳозир ҳам бу туйғу ўз кучида. Газета раҳбариятига толмас изланувчанлик, ёш ижодкорларига шижоат, илҳом, юксакликка интилишда ҳорибчарчамаслик тилайман. Интилганга толе ёр.

Газета номи табаррук сўздан олинган: юрт мустақиллиги, миллат тафаккурининг эркинлиги, инсон онгининг озодалиги. Ўз касбим тақозоси, қизиқишларим туфайли ёшлар билан доимий мулоқотдаман (орада баҳслашиб ҳам турамиз). Ким нима деса деяверсин, аммо мен Президент Шавкат Мирзиёев орзу қилаётган Учинчи Ренессанс рўёбга чиқишига ишонаман, кучим етганича ҳисса қўшишга тиришаман. Ҳамкасбларим ёзнинг жазирамасида Кисловодскка бирга боришга ундашганларида, вақтимни қизғандим. Ҳали халқим олдида, айниқса, ёш математиклар ва Навоийга интилувчилар қаршисида адо этишим лозим бўлган қарзлар кўп. Қарангки, фанда, ижодда инқилобий натижаларга эришиш учун тадқиқотчининг тафаккури ҳур бўлиши лозим. Умид қиламанки, “Hurriyat” газетаси ҳам бу борада ўз ҳиссасини қўшади.

— Қадрли устоз, самимий суҳбат учун ташаккур! Сизга сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Суҳбатдош:
Гулнора ШЕРМАТОВА

ҲАЁТИЙ САБОҚЛАР

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ, ҚУШЧАЛАР-ЧИ?

Тоҳир Тошкентнинг Навоий кўчасидаги ошхона эгаси. Ошхонанинг жиҳозлари анча уриниб қолган бўлса-да, овқатлари мазали ва арзон. Ишга барвақт келган кунларим машинамни қўйиш баҳонасида у билан бироз суҳбатлашаман. Унинг мен ёқтирмайдиган одати бор — чекади. Тамаки тутунидан заҳарланаверіб қош-киприклари ҳам сийраклашиб, рангпар бўлиб кетган.



Бугун ҳам тамаки қутиси устига ўт олдиргичини қўйиб, шогирди билан чой ичиб ўтирган экан. Эски қадрдонмиз, ўтиринг, деб бир пиёла чой қуйиб узатди.

— Ёшингиз ҳам етиб қолгандир, пенсияни расмийлаштирдингизми? — сўрайман ундан.

— Ҳа, яқинда олтмишга кирдим, Аллоҳга шукур, — деди у. — Ўн бир ёшимда ошхонада ишлайдиган отамга ёрдам бериб тураман деб ёнига кирганман. Мактабда тузук-қуруқ ўқимадим ҳам. Ризқ-насиба шу жойда экан. Отамнинг дуосини олиб, унинг касбини давом эттирдим. Бир кам эллик йил шу соҳанинг нонини еб, бола-чақа боқяпман.

Ҳаддим сиққан инсонлар билан тўғридан-тўғри, тортинмасдан гаплашаверишга одатланганман.

— Анови зормандадан ҳам олиб турасиз-а? — сўрайман чойдан хўплаб.

— Биласиз, қанд касалим бор, айрим оғайнилар: “Кечки овқатдан аввал эллик-юз грамм отвогин”, деб маслаҳат беришарди. Эллик грамм ҳалқумдан ўтса бўлди, бекатимни йўқотиб қўярдим. Яқинда бир воқеа сабаб бу палакатдан қутулиб олдим.

— Жуда яхши иш бўлибди-ку?! Барча ёмонликлар калити ҳам аркдан дейдилар, кўплар ичкилик туфайли саломатлигидан айрилиб, қийналиб юришибди. Қандай қилиб ташлавордингиз?

— Бир куни ўн ёшлардаги иккита неварам “кока-кола”ни стаканга қуйиб, бир-бири билан уриштириб ичишаётган экан. “Нима қиляпсанлар?” десам, “Дода, сизга ўхшатиб ичвоммиз”, дейишди. Жуда ёмон таъсир қилиб кетди. Ўша дақиқадаёқ ўзимга сўз бердим: “Ҳозирдан бошлаб ароқ ичишни ташлайман”. Бу ишимдан ўзим ҳам, аёлу болаларим ҳам хурсанд.

— Донолар ҳеч бўлмаганидан кўра, кеч бўлгани ҳам яхши дейишади. Охири бахайр бўлибди. Қўлингиздагини ҳам ташласангиз, нур устига нур бўлар эди.

Шу пайт қўл телефоним жиринглаб қолди. У билан хайрлашар эканман, яхши ният қилдим: ажаб эмас, кейинги сафар учрашганимизда чекишни ҳам ташлаб юборса?

Муҳаммад КЕНЖА

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

ШУНДАЙ ДЕДИ



Зуфар НАРЗУЛЛАЕВ,
“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарув раиси:

“Юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” 2023 йилда 238 миллиард сўм зарар кўрган.

“Афросиёб” бирор йил фойда билан ишламаган. Европада, умуман, жаҳон миқёсида тезюрар поездларнинг чипта нархи самолёт нархидан қиммат юради... Оддий поездларнинг чипта нархи маълум бир белгиланган тариф асосида ушлаб турилади.

2025 йил 1 январдан бошлаб юқори тезликда юрадиган поездларнинг чипта нархи худди самолётларники каби ўзгариб туради. Бунда поезд чиптаси нархи талабга қараб, худди самолёт чиптаси нархлари каби ўзгариб турадиган бўлади. Қолган оддий поездларнинг чипта нархлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тартибга солинади”.

Манба: kun.uz

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 3 155
Буюртма — Г-1044
1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21[00]
Топширилди — 22[10]

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.